

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Жалалов Қутпиддин Нажмиддин ўғли

**Мавзу: “Қурилиш саноат корхоналарида тадбиркорликни
ривожлантиришнинг асосий йўналишлари”**

Мутахассислик: 5340100 – “Иқтисодиёт”

Бакалавр академик даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

Иф.н. доцент О. Казаков

Наманган – 2015

**Мавзу: “Қурилиш саноат корхоналарида тадбиркорликни
ривожлантиришнинг асосий йўналишлари”**

	КИРИШ	3
I БОБ.	Бозор иқтисодиёти шароитида қурилиш соҳаси тадбиркорлик ривожлантиришнинг назарий асослари	9
1.1.	Қурилиш тармоғини миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли ва ўрни	9
1.2.	Қурилиш тармоғида тадбиркорликни ривожлантиришнинг меъёрий- ҳуқуқий асослари	16
1.3.	Қурилиш тармоғида тадбиркорлик ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари	23
II-БОБ.	Наманган вилоятида қурилиш тармоғида тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати	29
2.1.	Наманган вилоятида қурилиш тармоғида тадбиркорлик ривожланишининг ҳозирги ҳолати	29
2.2.	Наманган вилоятида қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш таҳлили	38
2.3.	Наманган вилоятида қурилиш корхоналарида тадбиркорликни ривожлантириш орқали даромадларни ошириш йўллари	43
III-боб.	Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида қурилиш тармоғида тадбиркорликни ривожлантириш йўллари.	53
3.1.	Қурилиш тизимида тадбиркорликни ривожлантиришнинг истикболдаги натижалари	53
3.2.	Қурилиш тармоғида тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш	57
	Хулоса ва таклифлар	64
	Фойдаланнган адабиётлар рўйхати	69

Кириш

Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши аввалдан тузиб олинadиган дастур асосида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан белгиланган иқтисодий дастур иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириши, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш асосида республика ва унинг турли вилоятларида, ҳудудларида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг барқарор суръатини ва иқтисодий ўсишнинг асосий кўрсаткичлари мувозанатини таъминламоқда. Ўтган йиллар давомида мамлакатимиз барча макроиқтисодий кўрсаткичлар ижобий даражада бўлди. Ялпи ички маҳсулотнинг ортиши суръати бир даражада бормоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг ортиши суръати ўртача олганда 8,0 фоизданга ортиб бормоқда. 2014 йили ҳам мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ортиши суръати 8,1 фоизни ташкил этди. Наманган вилоятида 2014 йили ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 10,3 фоизни ташкил этди. Шу билан боғлиқ бўлган барча кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгариши йил давомида таъминланди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини бундай барқарор ривожлантиришни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳам ниҳоятда катта ўрни ва роли мавжуд. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ушбу соҳанинг улуши 2000-йилдан буён 31 фоиздан 56 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда эса 12,9 фоиздан 31,1 фоизга ўсди. 2014 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 480 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Бу мамлакатимизда яратилган жами иш ўринларининг ярми демакдир. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида жами иш билан банд бўлган аҳолининг 76,5 фоизи меҳнат қилмоқда. 2000 йилда бу кўрсаткич 49,7 фоизга тенг бўлган эди. Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, уларга қатор имтиёз ва имкониятлар яратиб берилаётганлиги иқтисодиётнинг юксалишига ва ҳамда аҳоли турмуш даражасининг янада фаровонлашишига ябаб бўлиб, 2014 йил якуний ҳисоботларига кўра уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 79,7 фоизни ташкил этди. Ҳозирги вақтда Наманган вилоятида рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 15122 тани ташкил этди. 2014 йилда 1497 та янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди.

Мамлакатимизда кичик бизнесни янада жадал суръатларда ривожлантириш мақсадида қатор ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Бу каби қабул қилинган ҳужжатларда, қарор ва қонунларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Шу билан биргаликда бу соҳада барча ишлар амалга оширилди дея олмаймиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида бугунги кунда амалга оширилиши лозим бўлган қатор тадбирлар мавжуд бўлиб, уларни белгилаш учун соҳани яна бир бор чуқур таҳлил қилиш ва таҳлил натижаларидаги келиб чиқиб кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига қўшиши мумкин бўлган хиссасини ошириш бўйича тақлифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш вақти келди. Айниқса, қурилиш соҳасидаги тадбиркорликнинг ривожланиши даражаси нисбатан паст бўлиб қолмоқда. Тадбиркорлик томонидан амалга оширилган қурилиш ишлари ва яратилган иншоотларнинг барчаси ҳам замонавий талабларга тўла жавоб бера олмайди. Албатта, жуда чиройли ва сифатли тарзда бажарилган қурилиш ишлари ва замонавий объектлар ҳам мавжуд. Қурилиш соҳасидаги тадбиркорликнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига қўшадиган хиссасини ошириш имкониятлари кўплаб мавжуд ва уларнинг барчасидан тўла самара билан фойдаланилаёпти деб айта олмаймиз. Қурилиш соҳасидаги тадбиркорликни ривожлантириш учун унинг муҳим йўналишларини ишлаб чиқиш вақти келди ва бу имкониятлардан фойдаланишни йўлга қўйиш

бугунги кундаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш масалалари, иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланган тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса қурилиш соҳасидаги тадбиркорликни ривожлантириш масалалари кўплаб олимларнинг илмий ишларининг асосини ташкил қилган. Ушбу йўналишда олимлардан Р.Макконел, З.Румянцева, Л.Итин, И.Иоффе, Е.Пекшева, Ўзбекистонлик олимлардан С.Ғуломов, Р.Қосимов, Р.Алимов, Г.Назарова, О.Хайруллаев, М.Шарифхўжаев, О.Абдуллаев, И.Искандаров, О.Хикматов, Р.Убайдуллаева, В.Чжен, Носиров П., Юсупов М. А.Ўлмасов, Д. Г. Гозибеков, Б.Беркинов, Р.Каримов, А.Абдуллаев, В.Шепелев, А.Салимов, Э.Махмудов, М.Исоқов, А.Хайитов, А.Ортиқов, Р.Гимуш ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу олимларнинг тадқиқотларида иқтисодиётнинг ривожланиши муаммолари ва масалалари қаторида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг иқтисодиёт ривожланишидаги ўрни, ривожланиш йўналишлари аниқланган, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Бугунги кундаги иқтисодиётни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни техник-технологик янгилаш шароитида қурилиш соҳасидаги тадбиркорликни ривожлантириш масалалари янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай шароитда бу каби масалаларга камроқ эътибор қаратилганлиги, улар нисбатан кам ўрганилганлиги сабабли ушбу мавзунинг битирув-малакавий ишига мавзу сифатида қабул қилинди, унинг мақсад ва вазифалари белгиланди.

Битирув малака ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув-малака ишининг мақсади иқтисодиётни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни техник-технологик янгилаш шароитида қурилиш соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Қўйилган мақсадга эришиш йўлида қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш белгиланди:

- қурилиш тармоғини миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли ва ўрнини таҳлил қилиш;
- қурилиш тармоғида тадбиркорликни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- қурилиш тармоғида тадбиркорлик ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш;
- Наманган вилоятида қурилиш тармоғида тадбиркорлик ривожланишининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;
- Наманган вилоятида қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш;
- Наманган вилоятида қурилиш корхоналарида тадбиркорликни ривожлантириш орқали даромадларни ошириш йўллари аниқлаш;
- қурилиш тизимида тадбиркорликни ривожлантиришнинг истиқболдаги натижаларини белгилаш;
- қурилиш тармоғида тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малака ишининг назарий ва услубий асослари. Ушбу битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари қилиб мамлакатимизда қабул қилинган Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари ва маърузалари, мамлакатимиз ва хориждаги олимларининг ҳамда тадқиқотчиларнинг илмий ишлари натижалари, вилоятнинг қурилиш соҳасидаги иш тажрибалари, иқтисодий кўрсаткичлари хизмат қилади.

Битирув малакавий ишининг объекти ва предмети. Битирув-малака ишининг объекти сифатида Наманган вилоятидаги қурилиш соҳасига қарашли ташкилотлар олинди.

Тадқиқот предмети сифатида қурилиш ташкилотларидаги иқтисодий фаолият, бу фаолиятни вилоят аҳолиси эҳтиёжларини қондиришдаги ролини

ошириш ҳамда бу фаолиятда тадбиркорларнинг ўрни ва хиссаси билан боғлиқ муаммолар олинди.

Битирув-малака иши ишининг илмий янгиликлари. Битирув малака ишида қурилиш соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари ишлаб чиқилган.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилигини белгиловчи умумий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- қурилиш тармоғини миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли ва ўрни таҳлил қилинган;
- қурилиш тармоғида тадбиркорлик ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари ўрганилган;
- Наманган вилоятида қурилиш тармоғида тадбиркорлик ривожланишининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган;
- Наманган вилоятида қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш таҳлил қилинган;
- вилоятда қурилиш корхоналарида тадбиркорликни ривожлантириш орқали даромадларни ошириш йўллари белгиланган;
- қурилиш тизимида тадбиркорликни ривожлантиришнинг истиқболдаги натижалари белгиланган;
- қурилиш тармоғида тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Битирув малакавий ишининг илмий ва амалий аҳамияти: Битирув малакавий ишида ишлаб чиқилган таклифлар ва мулоҳазалар, қурилиш соҳасининг ривожланиши масалалари, иқтисодиёти, қурилиш соҳасида тадбиркорликни ривожланиши йўналишларини мамлакатимиздаги барча қурилиш ташкилотларида қўллаш катта самара беради. Шу билан биргаликда, олий ўқув юртларида талабаларга ўқитиладиган фанларнинг маъруза ҳамда амалиёт дарсларида фойдаланиш катта самара беради.

Битирув малака ишини таркиби: Битирув малака иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-боб. Бозор иқтисодиёти шароитида қурилиш соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий асослари

1.1. Қурилиш тармоғини миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли ва ўрни

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар авваламбор мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилгандир. Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар натижасида миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланмоқда, аҳолининг турмуш даражаси ва ҳаёт сифати юксалиб бормоқда. Иқтисодий ислохотларнинг тизимли, босқичма-босқич пухта ишлаб чиқилган дастурлар асосида амалга оширилиши натижасида бошқа соҳалар қатори қурилиш соҳаси ҳам жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ишлаб чиқариш объектлари, турар-жой бинолари, йўллар, кўприklar, спорт инфратузилмалари, тиббиёт муассасалари, ижтимоий объектлар, коммуникация тармоқлари ва бошқа қурилиш объектларини бунёд этиш ишлари амалга оширилмоқда. Президентимиз И.Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўнжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида 2014 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоизга, капитал қурилиш 10,9 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошганлиги таъкидлаб ўтилди.¹

¹ И.Каримов “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир.” “Халқ сўзи” газетаси 2015 йил 18январь.

Ушбу ютуқларга эришилишида қурилиш соҳасининг катта хиссаси мавжуд бўлиб, у янги корхоналар ва ташкилотлар қурилишида, фаолият кўрсатаётганларини модернизация ва реконструкция қилинишида амалга оширилди. Янги қурилган ва такомиллаштирилган корхона, ташкилотлар ўз маҳсулотларини ишлаб чиқаришни бошладилар ва иқтисодиёт ривожланишига катта туртки бердилар.

Қурилиш соҳасининг ривожланиши бу соҳага жалб этилган маблағларга боғлиқдир. Мамлакатимизда йилдан-йилга иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар ҳажми ортиб бормоқда ва сифат жиҳатдан тобора такомиллашиб бормоқда. “2014 йилда иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10,9 фоизга ўсди ва АҚШ доллари ҳисобида 14 миллиард 600 миллион долларни ташкил этди. Бунда жами капитал қўйилмаларнинг 21,2 фоиздан ортиғи ёки 3 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил қилди. Уларнинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.”¹

2014 йилда қурилиш ишларини жадал суръатларда амалга оширилиши натижасида иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида замонавий юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозланган, умумий қиймати 4 миллиард 200 миллион долларга тенг бўлган 154 та йирик объект фойдаланишга топширилди ва мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ортишига ўз хиссасини қўшди. Бу янги корхоналар қаторида йилига 60 мингта автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси» масъулияти чекланган жамияти базасида «Дамас» ва «Орландо» русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш», «Жиззах вилоятида 760 минг тонна портландцемент ёки 350 минг тонна оқ цемент ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш», «80 минг тонна

¹ И.Каримов “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир.” “Халқ сўзи” газетаси 2015 йил 18январь.

рух концентратини қайта ишлаш бўйича рух заводини реконструкция қилиш», «Мис эритиш заводида янги сульфат кислота цехини қуриш», электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятини 50 мегаваттга ошириш мақсадида «Сирдарё иссиқлик электр станциясини тўлиқ миқёсда модернизация қилиш», Қорақалпоғистон Республикасидаги «Манғит» масъулияти чекланган жамияти базасида йилига 5 минг тонна маҳсулот чиқариш қувватига эга бўлган ип-калава йигирув корхонаси ташкил этиш» ва бошқа объектларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Бошқа соҳаларда бўлгани каби қурилиш соҳасида ҳам тадбиркорлик фаолияти ривожланиб бормоқда. Кўплаб тадбиркорлик субъектлари қурилиш соҳасида фаолият олиб бормоқдалар ва ижобий натижаларга эришмоқдалар. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда ва бунда қурилиш соҳасидаги тадбиркорликнинг ҳам ўзига хос улуши бор. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида тадбиркорлик соҳасининг улуши 2000 йилдан буён 31 фоиздан 56 фоизга ўсганлиги буни исботлаб турибди.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши натижасида янги иш ўринлари яратилмоқда. 2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 480 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Бугунги кунда иқтисодиётнинг тадбиркорлик соҳасида иш билан банд бўлган аҳолининг 76,5 фоиздан зиёди меҳнат қилмоқда. 2000 йилда бу кўрсаткич 49,7 фоизга тенг эди.

Президентимиз И.Каримов кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига катта эътибор қаратиб келмоқдалар. Айниқса, қурилиш соҳасида тадбиркорликнинг ривожланиши муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидлаб келинмоқда. Президентимиз И.Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўнжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига

бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида тадбиркорликнинг ривожланиши натижалари кўрсатиб берилди:

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йили, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳисобга олмаганда, 20 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди, уларнинг умумий сони эса 195 мингдан зиёдни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 2 баробар кўпдир.”¹ Бундан буён ҳам кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиши диққат марказимизда бўлаверади. Бу хусусда ҳам Президентимиз таъкидлаб ўтдилар:

“Шу борада ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун янада қулай шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини барчамиз албатта яхши тушунамиз.”²

Бу каби ишлар мамлакатимизда барча соҳаларнинг, жумладан қурилиш соҳасининг ҳам ривожланиши орқали мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражасини оширишга ҳаракат қилинаётганлигини кўрсатмоқда.

Қурилиш соҳаси – мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим соҳаларидан биридир. У миллий иқтисодиётда учинчи (саноат ва қишлоқ хўжалигидан кейин) ўринда туради. Қурилиш соҳасида ишлаб чиқарилган маҳсулот - барча турдаги ишлар бўйича тугалланган ва ишга туширишга тайёр бўлган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондлари, шунингдек, амалдаги корхоналарнинг кенгайтирилиши ва қайта таъмирланиши, уларда ишлаб

¹ И.Каримов “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир.” “Халқ сўзи” газетаси 2015 йил 18январь.

² И.Каримов “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир.” “Халқ сўзи” газетаси 2015 йил 18январь.

чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозланишидир. Шу жумладан, фуқаролар учун уй-жой муаммоларининг ечими батамом қурилиш зиммасига юклатилади.

1.1.1-жадвал

2000-2014 йилларда Наманган вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг таркибий тузилиши

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирли- ги	2000 йил	2004 йил	2008 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил
Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми	млрд. сўм	169,8	557,9	1449,7	2944,4	3822,2	4969,4	6073,3
ўсиш суръати	%	108,2	107,7	112,3	110,0	110,0	111,2	110,3
ЯХМ нинг таркиби								
Саноат	%	10,2	10,3	7,3	9,9	11,3	10,8	10,7
Қишлоқ хўжалиги	%	42,6	44,8	36,4	34,4	34,2	36,8	35,5
Транспорт ва алоқа	%	5,1	5,9	8,0	9,5	9,3	8,9	8,9
Қурилиш	%	7,3	5,4	6,7	7,8	6,9	7,0	7,7
Савдо ва умумовқатланиш	%	8,9	8,8	9,0	9,2	8,8	8,9	9,6
Солиқлар	%	6,0	7,4	8,0	3,0	3,4	3,2	3,1
Бошқалар	%	19,9	17,4	24,5	26,2	26,0	24,3	24,6

Манба: Жадвал Наманган вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Қурилиш ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва миллий иқтисодиётни комплекс юксалтиришда катта роль ўйнайди.

Бу тармоқда жамғариш фондининг тахминан учдан икки қисми амалга оширилади, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 7 фоизидан кўпроқ қисми яратилади қурилишнинг миллий хўжалик миқёсидаги аҳамияти ва етакчи роль ўйнашига яна бир сабаб шуки, у аҳолининг катта қисмини иш билан таъминлайди, фан-техника ва ижтимоий тараққиётнинг жадаллашига, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсишига имкон яратади (1.1.1-жадвал).

Иқтисодиётнинг бошқа соҳалари қатори қурилиш соҳаси ҳам ўзига хос бўлган хусусиятларга эгадир. Қурилиш, моддий ишлаб чиқариш тармоғи сифатида, аввало ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг характери, яъни унинг кўчмаслиги, ўлчамлари катталиги, серқирра ва мураккаблиги билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бизга маълумки, қурилиш маҳсулоти кўп меҳнат ва капитал сарф-ҳаражатларни талаб қилади, уни ишлаб чиқариш даври узоқ муддатлидир, яъни уни ишлаб чиқаришга соат ёки дақиқа эмас, балки ойлар талаб қилинади. Шунингдек, қурилишда қўлланиладиган асбоб-ускуналар ва меҳнат предметлари ўзига хос турда ва таркибда бўлишидан ташқари, улар ҳаракатланувчи ҳам бўлади.

Қурилиш маҳсулоти тайёр маҳсулот шаклида ва тугалланмаган қурилиш маҳсулоти шаклларида бўлади.

Тайёр қурилиш маҳсулоти - бу қуриб битказилган ва буюртмачига белгиланган тартибда топширилган асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларидир (корхоналар, уйлар, мактаблар, шифоналар в бошқа ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш объектлари).

Тугалланмаган қурилиш - бу тугалланмаган ва фойдаланишга топширилмаган қурилиш объектлари бўйича ўзлаштирилган капитал қўйилмаларнинг муайян бир санадаги ҳолати бўйича олинган ҳажмидир. Тугалланмаган қурилиш таркибида амалга ошириладиган, шунингдек, вақтинча ва батамом тўхтатиб қўйилган қурилишлар ва объектлар бўйича капитал қўйилмалар ҳисобга олинади.

Тугалланмаган қурилиш билан бир қаторда тугалланмаган қурилиш ишлаб чиқариши ҳам мавжуд бўлиб, у - тугалланмаган ва буюртмачига топширилмаган объектларда (қурилишларда) пудратчи ташкилот ёки ташкилотлар томонидан бажарилган қурилиш маҳсулотининг қурилиш-монтаж ишларининг ҳажмини тавсифловчи қисми. Тугалланмаган қурилиш ҳажми натура ва пул ифодасида ҳисобга олинади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тугалланмаган қурилишлар капитал қўйилмаларнинг тартибсиз тақсимланганлиги ва тармоқ иқтисодиётига ва миллий иқтисодиётга катта зарар етказиши мумкин.

Қурилиш тармоғи қуриладиган объектларнинг характери ва мақсадига қараб бир неча қуйи тармоқларга: саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги, уй-жой, маданий-маиший қурилиш ва бошқаларга бўлинади. Бундай бўлиниш эса ўз навбатида қурилишда ихтисослашувни чуқурлаштириш ва қурилиш қувватларини шакллантиришга хизмат қилади ҳамда у ёки бу тармоқ иқтисодиётини ривожлантириш учун керак бўлади.

Саноат қурилиши - мавжуд саноат корхоналарини кенгайтириш, қайта таъмирлаш ва техник қайта жиҳозлаш ҳамда янгиларини қуриш, шунингдек, ёрдамчи саноат ишлаб чиқаришларини қуришдир. Масалан, тўқимачилик, енгил саноат корхоналарини қуриш, машинасозлик ва металлургия заводларини қуриш, нефть, газ, кимё ва бошқа саноат тармоқлари корхоналарини қуриш.

Қишлоқ қурилиши - қишлоқ жойларидаги янги ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондларини яратиш, уларни қайта таъмирлаш ёки кенгайтириш билан боғлиқ қурилишлардир. Қишлоқ қурилишига сув хўжалиги, ирригация, мелиоратив ва бошқа қурилиш турлари ҳам киради.

Уй-жой қурилиши - янги уй-жойларни, болалар уйлари ва қария ҳамда ногиронлар уйлари қуришдир. Аҳолининг жамғармалари ва давлатнинг қўллаб-қувватлаши ҳисобига қуриладиган шахсий уй-жойларни қуриш,

кишлоқда намунали уй-жойларни куриш ҳам уй-жой курилиши таркибига киради.

Маданий-маиший курилиш - коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот, бошқариш органлари тизимларига қарашли янги объектларни куришдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодийни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш ва фан-техника тараққиёти таъсири остида курилиш ишлаб чиқаришида сифат ўзгаришлари юз бермоқда, уларнинг замирида эса курилишнинг бино ва иншоотларни саноатда тайёрланган ва тайёрлик даражаси юқори бўлган деталлар ва бўлақлардан йиғишдан иборат узлуксиз механизациялашган жараёнга айланиши ётади. Курилиш ишларида бажариладиган қўл меҳнати механизация воситалари томонидан тобора сиқиб чиқарилмоқда. Курувчиларнинг курилиш майдонидаги меҳнати индустриал меҳнатнинг бир турига айланиб бормоқда. Курилиш ишларидаги жонли меҳнат сарфлари камайиб, енгиллашиб бормоқда, курилишда унумдорлик ортиб бормоқда, курилиш муддатлари қисқариб, сифати эса тобора яхши томонга силжиб бормоқда.

1.2. Курилиш тармоғида тадбиркорликни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар, иқтисодийни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни техник-технологик янгилаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва роли катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Бу соҳа иқтисодийнинг барча соҳалари ва тармоқларида ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда мустақилликга эришилганидан сўнг қисқа давр ичида иқтисодий фаолиятнинг янги шакли ҳисобланган тадбиркорликни ривожлантиришнинг ишончли меъёрий-ҳуқуқий асослари шакллантирилди ва ривожлантирилди.

Мамлакатимиз саноатида, қишлоқ хўжалигида, истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган, озиқ-овқат, тикувчилик маҳсулотлари, тўқимачилик, чарм-пойафзал, мебель ва фармацевтика саноати тармоқларида, қурилиш соҳасида давлатнинг улуши анчага камайтирилди, хусусий секторнинг улуши эса ортиб бормоқда. Бугунги кунда қўйилаётган иқтисодий масалалар ичида, иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ичида тадбиркорликни янада ривожлантириш ва унинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва хиссасини ошириш йўлида бир қатор ҳал этилмаган масалалар ва вазифалар мавжуд бўлиб қолмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги хиссасини аниқлаш ва баҳолаш мезонларини янада такомиллаштириш масалалари бугунги кун тартибидаги муҳим масалалардан ҳисобланади.

Бу йўналишни ҳисобга олган ҳолда Президентимиз И.Каримов қуйидагиларни таъкидладилар: “Шуни тан олишимиз керакки, хусусий мулкни ривожлантириш учун унинг очиқлик даражасини ва бу соҳанинг мамлакат иқтисодиётидаги хиссасини аниқлаш борасидаги баҳолаш мезонлари ҳалигача ишлаб чиқилмаган”¹.

Ушбу масалани самарали равишда ҳал қилиш учун кичик бизнес субъектлари фаолиятини бошқариш, унинг таркибий тузилиши ва ривожланишини таҳлил қилиш ҳамда баҳолашда илмий асосда тизимли ёндошув ва фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу йўналишдаги белгиланган бу каби вазифаларни амалга ошириш қурилиш тармоғида тадбиркорликни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини чуқур ўрганишни ва такомиллаштиришни талаб қилади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг тадбиркорликка кенг йўл очилди. Эндиликда тадбиркорлар тадбиркорлик фаолиятининг турли

¹ Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир.” “Халқ сўзи” газетаси 2015 йил 17 январь

шаклларидан бирини танлаш имкониятига эгадирлар. Улар ўз имкониятлари доирасида бирон-бир шаклни танлайдилар. Мамлакатимизда қабул қилинган тадбиркорлик тўғрисидаги Қонунда тадбиркорлик фаолиятининг қатор шакллари кўрсатиб ўтилган. Мамлакатимизда тадбиркорликнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти.
2. Хусусий тадбиркорлик фаолияти.
3. Ширкат тадбиркорлиги.
4. Аралаш тадбиркорлик.


Хусусий тадбиркорлик фаолияти ёлланма ишчи кучи ёрдамида олиб борилади.

Ширкат тадбиркорлиги фуқаролар гуруҳи томонидан олиб борилади.

Аралаш тадбиркорлик юридик шахс ҳамда фуқаролар томонидан мол-мулкни ўртага ташлаш йўли билан олиб борилади.

1-расм.

Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари.



Манба: Муаллиф томонидан тайёрланди.

Якка тартибдаги меҳнат фаолиятдан ташқари қолган барча шаклларда иш бошлаш учун корхоналар тузиш лозим бўлади.

Якка тартибдаги тадбиркорликда тадбиркор бутун даромадни ва бизнеснинг бутун таваккалчилигини тўла ўз зиммасига олувчи бир киши ёки оиладир. Бундай тадбиркорлик бизнеснинг энг оддий шаклларида бири ҳисобланади. АҚШ да ишбилармонлар очган корхоналарнинг 80 фоизи якка эгалик корхоналаридир. Бундай тадбиркорлик айниқса савдода, маслаҳат-йўриқчилик бизнесида, овқатлантириш соҳасида кенг тарқалгандир. Якка тартибдаги тадбиркорлик қатор афзалликларга эга.

1. Якка тартибдаги тадбиркорликда ҳар қандай масала якка тартибда ҳал қилинади. Бундай фаолиятда қарор қабул қилишда юқори ташкилотга ёки ўзаро ҳамкорликка мурожаат қилинмайди.

2. Тадбиркорларни ишга қизиқтирувчи жиҳатларнинг кўплигидир. Фаолиятдан олинadиган даромадларнинг ҳаммаси бир киштира, яъни корхона эгасига тегишли бўлади. У тинимсиз ишлашдан, ишнинг боришини изчил назорат қилиб боришдан, қарорларни эҳтиёткорона қабул қилиш ва иш операциялари миқёсини иложи борича кенгайтиришдан кучли манфаатдордир.

3. Фаолият самарадорлигини таъминловчи махсус йўл-йўриқлар, кўрсатмалар, ишни ташкил этишнинг қандайдир янги йўналишлари, техника ва технологиядаги янгиликлар якка тадбиркорнинг асосий бойлиги ҳисобланади.

4. Тадбиркорликнинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклига ўтиш нисбатан енгил кўчади, чунки қарорни тадбиркорнинг ўзи ҳал қилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик ушбу афзалликлар билан биргаликда бир қатор камчиликларга ҳам эга бўлиб, улардан асосийлари қуйидагилардир:

1. Ширкат ёки корпорациядаги каби инвестицияларни ўз ишига жалб қилиш имкониятлари катта эмас. Унинг ўзининг маблағлари ҳам чекланган бўлиб, заиф молиявий пойдеворга эга. Кредит тўловини тўлаш қобилияти унча юқори бўлмагани боис, у кредит учун анча юқори даражада фоизлар тўлашга мажбур.

2. Қарзлар учун тўла жавобгарлик. Якка эгалик фирма қарзини тўлаш учун гаровга қўйилган барча мол-мулки ва жамғармасидан ажралиб қолиши мумкин.

3. Ихтисослашган менежерларнинг етишмаслиги. Одатда якка эгалик корхонасининг эгаси ўзи бош менежер ҳисобланади. У олди-сотди бўйича ҳам, ишлаб чиқариш бўйича ҳам, таъминот бўйича ҳам, реклама бўйича ҳам, кадрлар бўйича ҳам менежернинг ўзи бажаради. Ҳар бир соҳа ва йўналишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

4. Функционал камчиликлар. Маблағлар топиш қийинлиги боис якка тадбиркорликда маълум ишларни тез ҳал қилиш билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Масалан, фирманинг ноқулай жойга жойлашганлиги, бино ва ускуналарнинг номувофиқлиги, юқори малака етишмаслиги.

Тадбиркорлик фаолиятини олиб боришдаги ушбу камчиликлар сабабли ўз фаолиятини самарали олиб бора олмаган тадбиркорлар ўзининг мол-мулкларини, капиталларини қўшиб, бошқа тадбиркорлар билан ҳамкорликка интиладилар ва бирлашадилар, Натижада ширкатлар, корпорациялар пайдо бўлади.

Ширкатнинг икки асосий тури мавжуд:

1. Масъулияти чегараланмаган(оддий).
2. Масъулияти чегараланган.

Масъулияти чегараланмаган оддий ширкат икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг шерикчилик асосида бизнес билан шуғулланиш учун бирлашишларидир. Кўпчилик оддий акциядорлик жамиятлари икки ёки уч нафар тадбиркорлардан иборатдир. Ширкат аъзолари даромадни ўзлари хоҳлаган усулда бўлишлари мумкин. Ширкатнинг барча аъзолари бир хил маблағ - ҳисса қўшишлари ҳам шарт эмас. Ўзаро келишув асосида қўшилаётган ҳисса ҳам, олинадиган улуш ҳам белгилаб олинади. Ширкатларнинг ҳуқуқий асоси унинг аъзолари ўртасида тузилган битим ҳисобланади. Ушбу битимда ҳар бир ходимнинг ваколатлари, битим

муддати, қўшилган маблағлар ва олинадиган улушлар, амалга оширилиши лозим бўлган молиявий ишлар тартиби ҳақида баёнот, янги ҳамкорлар қабул қилиш, тузиш ва тугатиш тартиблари келтирилган бўлади.

Бундай тадбиркорлик шакли молиявий жиҳатдан кучли бўладилар. Уларда ҳаракат эркинлиги мавжуд, ишларни тезкорлик билан амалга ошириш имконияти мавжуд.

Тадбиркорликнинг яна бир шакли ҳисобланган масъулияти чегараланган ширкат масъулияти қўшган маблағлари доирасида чегараланган бир ёки бир неча ҳамкор қатнашиши мумкин. Ҳамкор сифатида нафақат якка ишбилармонлар балки, корпорациялар ҳам қатнашишлари мумкин. Улар ўртасида битим тузилади ва битимда ким асосий ҳамкор, ким масъулияти чегараланган ҳамкор эканлиги аниқ кўрсатилади.

Масъулияти чегараланган ҳамкорликнинг асосий афзаллиги шундаки, у капитал маблағ сарфловчи ишбилармон учун қулайдир. Улар ишга пул қўшадилар, лекин корхона менежерлигида қатнашишдек серташвиш ишдан озод бўладилар. Мабодо ширкат омадсизликка учраса улар ўзлари қўшган капитал маблағларинигина бой берадилар. Даромад келаверса, улар ҳам ўзларига тегишли фоизни олаверадилар. Масъулияти чегараланган ширкатчилик «аралаш ҳиссадорлик коммандитлиги» шаклига ўтиши мумкин ва бунинг учун аъзолар ўз ҳиссаларини қўшишни акция сотиб олиш йўли билан амалга оширишлари зарур. Ширкатчиликнинг бундай аралаш шакли уни ҳиссадорлик жамиятига ўтиш шакли бўлиб хизмат қилади.

Тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бири бўлган ҳиссадорлик жамиятлари иқтисодиёт ривожига муҳим ўрин эгаллайди. Ҳиссадорлик жамияти – бу жисмоний шахслар капиталларининг бирлашуви бўлиб, у акциялар чиқариш йўли билан бунёд этилади. Акциялар фонд биржаларида муомалада бўлади – бир шахсдан иккинчисига эркин ўтади ва акциядор учун унинг ҳиссаси ҳақидаги ҳужжат ҳисобланади.

Хиссадорлик жамияти акционерлар олдидаги мажбурияти, акция учун кўядиган пул миқдори, яъни жамоат капиталига киритилган ҳиссаси билан чекланади. Хиссадорлик жамиятининг низом фонди жамиятнинг номинал қиймати маълум акциялар сонига тақсимланган бўлади ва мазкур фонд ушбу акцияларни сотиши орқали шаклланади.

Хиссадорлик жамиятининг акциялари очиқ ёки обуна бўлиш йўли билан сотилса, қимматбаҳо қоғозлар бозорида қонундан ташқари ҳеч ким томонидан чекланмаса эркин савдо-сотиқ қилинса — очиқ хиссадорлик жамияти деб аталади.

Хиссадорлик жамиятлар акцияларининг қимматбаҳо қоғозлар бозорида муомалада бўлиши жамият низомига биноан маън этилган ёки чекланган бўлса ва у, фақат номланган(эгаси ёзилган) акциялар чиқарса — ёпиқ хиссадорлик жамияти деб аталади.

Тадбиркорлар тузиши мумкин бўлган ташкилий шакллардан яна бири — фирмалардир. Фирма — товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш мақсадида иқтисодий ресурсларни ишлатувчи ташкилотдир. Кичик бизнесда фирмалар одатда юқори технологик ишлаб чиқаришни бунёд этиш билан банд. Улар ўзларига хос хўжалик юритиш услубларидан фойдаланадилар.

Корпорация — бу умумий касбий ёки табақавий манфаатлари асосида бирлашган шахслар жамияти, уюшмаси ёки гуруҳидир. Тижорат корпорациялар хиссадорлик жамиятлари каби очиқ ёки ёпиқ турларга бўлинадилар. Очиқ корпорацияда қўшимча капитални жалб этиш учун акциялар эркин сотилади. Барча йирик корпорациялар очиқ бўладилар. Уларда бозор конъюнктураси ўрганилади, ҳаракат стратегияси аниқланади, илмий-техникавий тараққиёт дастурларини амалга ошириш орқали эришилган Фан-техника тараққиёти натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш амалга оширилади.

Тадбиркорлар ушбу ташкилий шакллардан ўзларига мақбул бўлганини танлашлари ва фаолият юритишлари мумкин.

1.3. Қурилиш тармоғида тадбиркорлик ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари

Барча соҳалар қатори мамлакатимизнинг қурилиш соҳасида ҳам тадбиркорлик жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Қурилиш соҳасидаги тадбиркорликнинг янада ривожланиши учун бошқа ривожланган мамлакатларда ушбу соҳанинг ривожланиши даражасини ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бутун жаҳон иқтисодиётида 20 асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кичик бизнесни ривожлантириш ҳолати кузатилмоқда. Тўлақонли бозор иқтисодиётини шакллантириш ва уни рағбатлантиришда кичик бизнес ва тадбиркорлар синифининг ўрнисиз амалга ошириб бўлмаслигини ҳаёт кўрсатиб бермоқда. Кичик бизнес ҳар қандай ривожланган давлат иқтисодиётининг асосий таянчи ҳисобланиб, ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан ортиғини шу соҳа бермоқда. Баъзи ривожланган мамлакатларда бундан ҳам юқори қисмини тадбиркорлик соҳаси бермоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида тадбиркорлик фаолиятига эътибор қаратилди. Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантириш масалаларига жуда катта эътибор берилмоқда. Иқтисодиёт ривжланишининг устувор йўналишлари қаторига олиб чиқиляётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик айниқса, 21 асрнинг бошларида жадал ривожланмоқда. Мамлакатимиз Президенти ўзларининг нутқларида бу муаммога қуйидаги фикрни билдириб ўтдилар: “Биз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқени эгаллаши, айни вақтда унинг аҳоли фаровонлиги ва даромадларини орттиришда, ишсизлик муаммосини ечишда ҳам муҳим омилга айланишига эришмоғимиз лозим”¹.

¹ Каримов И.А. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз” Т.: Ўзбекистон, 2000.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорларнинг фаолияти анча кучайди. Масалан, 2012 йилда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони 2013 йилда 190 мингта, 2014 йилда эса 195 мингдан зиёдни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 2 баробар кўпдир.

Хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиёт тараққиётига, шу билан биргаликда миллий фаровонликка эришиш йўлидаги ишлар самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Бу соҳанинг афзаллик томонлари мослашувчанлик, тез орада фаолият йўналишини ўзгартира олиш хусусиятидир.

Умумий фаолиятдан хусусий фаолиятга ўтиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига ўтиш, маълум давр оралиғида давлатга қарамликда яшаб, онгига боқимандалик кайфияти қаттиқ ўрнашиб олган инсонларда мулкдорлик хиссини уйғотиш, масъулиятни ўз устига олиш осон бўлмайди. Бу йўналишда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ушбу соҳада амалга оширилган ишларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва улар ичидан ўзимизга мосроқ келадиганини танлаш керак бўлади. Турли мамлакатларда яратилган ҳолатлар ичидан ижобийларини ўрганиш ва қўллаш катта самара бериши мумкин. Бозор инфратузилмасини яратиш, айниқса, хусусий тадбиркор ва кичик бизнес фаолияти билан шуғулланаётган мулк эгаларига хизмат қилувчи омилларни шакллантириш муаммоларини ҳал қилишга интилиш бозор муносабатларини самарали олиб борилишига олиб келади.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўзига хос хусусиятлари бор бўлиб, бу соҳани ривожлантиришда бу хусусиятларни эътиборга олиш керак. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни шаклланиши ва фаолият кўрсатишининг ҳар бир ҳудудга мослигини таъминлаш масаласи ҳам муҳим масалалардан ҳисобланади. Ҳар бир мамлакатда ташкил этилаётган кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорлик фаолияти шу мамлакатдаги ҳолатга мос бўлиши керак.

Мамлакатимизда қурилиш тармоғида тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳамда унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун тадбиркорлик бўйича хорижда тўпланган тажрибаларни ўрганиш ва унинг ижобий томонларини ўзимизда қўллаш лозим. Қурилиш соҳасидаги тадбиркорлик бўйича фаолият ривожланган хориж мамлакатларида биздан кўра олдинроқ бошланган бўлиб, маълум маънода тажриба тўпланган.

Ўтган аср давомида тадбиркорлик фаолияти айниқса жадал ривожланиш йўлига ўтди. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида Ўтган асрнинг 70 йилларида кичик бизнес ва тадбиркорлик кескин ривожланди. Бу даврларда у гуллаб-яшнади ва ҳозирги вақтда ҳам ўз ўрнини мустаҳкамлаб келмоқда. Фирмаларнинг умумий сонида майда ва ўрта корхоналар салмоғи Германияда 95 фоиз, Японияда 99,7 фоизга тўғри келади, ушбу соҳада ёлланган ишчиларнинг 50-55 фоизи банд, чунки тараққий топган мамлакатларда тадбиркорлик хўжалик юритишнинг алоҳида ва илғор усули ҳисобланади. Унинг асосида доимий равишда янги имкониятларни излаш, қўйилган масалани ечиш учун ҳар хил ресурслар манбаларини излаб топиш, жалб қилиш ва ишлатиш ётади. Ғарб давлатларида ишбилармонлик, тадбиркорлик ҳаракатчанлик, «ташаббускорлик», жасурлик каби тушунчалар билан бир хил маънода ишлатилади.

Ривожланган хориж мамлакатларида тадбиркорлик фаолиятига жуда катта эътибор қаратилиб келинмоқда. Тадбиркорлик фаолияти, айниқса қурилиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти уларда жуда катта имкониятларни келтириб чиқармоқда, жуда кўплаб ажойиб фойдали фикрларни ҳақиқатга айлантирди.

Бугунги кунда қурилиш соҳасидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг миқёсда ривожланиб бораётган мамлакатлар ичида Америка Қўшма Штатлари алоҳида ўринга эга. Кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорликда жами Америка ишчи кучларининг 50 фоизидан ортиқроғи ишлаб келмоқда. Кичик фирмаларнинг бутун мамлакат савдо муомаласидаги молиявий ҳиссаси 42 фоиз бўлиб, АҚШнинг ялпи маҳсулотидаги ҳиссаси 42 фоизга тенг бўлган. Бундай кичик фирмалар сони ҳар йили 10-12 фоизга ўсиб бормоқда.

Йирик корхоналар билан кичик бизнес корхоналари ўртасидаги ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Америкадаги йирик фирмалар, компаниялар ва корпорациялар ўз фаолиятларини амалга ошириш учун минглаб кичик бизнес субъектлари билан шартномалар тузмоқдалар. «Вестерн электрик» компанияси ҳар йили 40 мингдан ортиқ фирманинг товар ва хизматларидан фойдаланади, 120 минг компаниядан нархлар тўғрисида маълумот олиб туради. «Женерал электрик» компанияси эса 90 фоизи кичик фирмалар бўлган 45 мингта субпудратчи фирмалар билан алоқада бўлган.

Жаҳон мамлакатларининг кўпларида қурилиш соҳасида муваффақиятли равишда фаолият олиб бораётган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари мавжуд ва улар ривожланиб бормоқдалар. Ҳозирги вақтда қурилиш соҳасида тадбиркорлик фаолияти субъектлари Америка иқтисодиётида ўз улушларини орттириб бормоқдалар. Барча соҳаларда, ҳатто қурилишдаги фаолиятни такомиллаштириш, янги техника ва технологияларни яратиш, қурилишнинг янги усул ва воситаларини излаб топиш сингари илмий тармоқларда ҳам кичик фирмалар ривожланиб бормоқда. Кўпгина илмий тармоқларда айнан ихтисослашган кичик фирмалар кўпчиликни ташкил қилади.

Қурилиш соҳасида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик фаолияти субъектлари ишини ўрганишда улардаги ходимлар сонини ва таркибини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. АҚШда кичик бизнес субъектларининг 95 фоизида хизматчилар сони 20 нафардан ортмайди. Кичик бизнес даромадлари 18 фоизга ўсиб, сенишлар сони 10 фоизга камайди. Америка Қўшма Штатларида қабул қилинган Қонунда ёзилишича –

кичик фирма – бу мустақил яшовчи ва фаолият кўрсатувчи шундай корхонаки, унинг эгаси бошқаларга қарам эмас ва фирма ўз бизнеси соҳасида ўта ҳукмронлик даъво қилмайди. Қонунда ишбилармонликнинг конкрет соҳалари учун мезонлар ҳам белгиланган. масалан, саноат корхонаси унда ишловчилар сони 250-1500 киши бўлсагина кичик фирма ҳисобланади. Ёлланган ходимлар сонига кўра, АҚШдаги кичик корхоналар беш хилга бўлинади:

энг кичик – 1-24 ходим

кичик - 25-99 ходим

ўртача - 100-499 ходим

йирик - 500-999 ходим

энг йирик 1000 ва ундан ортиқ ходим.

Туркияда ҳам қурилиш соҳасидаги кичик бизнес фаолиятига катта эътибор қаратилмоқда. Қурилиш соҳасидаги кичик бизнес мамлакат иқтисодиётидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаб бормоқда. Туркия Давлат статистика институти маълумотларига қараганда жорий 10 йилликда кичик бизнесда (иш ўрни 10 киши ва ундан кам бўлган корхоналарда) 180 минг иш ўрни мавжуддир. Йирик ҳисобланган корхоналарда (10 кишидан ортиқ киши меҳнат қиладиган) 9 минг иш ўрни мавжуддир.

Туркияда қурилиш соҳасидаги кичик бизнес корхоналари асосан хусусий мулк шаклида бўлиб, улар мустақил равишда фаолият кўрсатадилар, хўжалик мустақиллигига эга бўладилар. Улар ўзлари фаолият юргизаётган соҳаларда ҳал қилувчи овозга даъво қилмайдилар. Уларда ишнинг махсус мезони сифатида қўшимча қиймат, активлар қиймати, йиллик маҳсулот сотуви ҳажми, ходимлар сони сингари кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Ҳозирги вақтда кичик корхона деб аташ бўйича турли фикрлар мавжуддир. Кўплаб иқтисодчилар фикри бўйича 50 кишигача меҳнат қиладиган корхоналарни кичик корхонага мансуб деб ҳисоблаш мумкин, 500 ва ундан ортиқ киши меҳнат қиладиган корхоналарни йирик корхоналарга

мансуб деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу шартли гуруҳлаш тартиби билан таҳлил қиладиган бўлсак, Туркия саноатидаги корхоналарнинг учдан икки қисми кичик бизнес корхоналаридир. Ушбу кичик бизнес корхоналарининг асосий қисми озиқ-овқат, тўқимачилик, пойафзал, мебелсозлик саноатларига ҳамда қурилиш соҳасига тегишлидир.

Қурилиш соҳасидаги тадбиркорликнинг бошқа мулк шаклидаги корхоналарга нисбатан афзалликлари бор бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш асосида самара олинади. Қурилиш соҳасидаги тадбиркорлик корхоналари бозордаги ўзгаришларга тезда мослашадилар. Тадбиркорлик корхоналарида янги техника ва технологияни жорий қилиш муддати қисқа, шу билан биргаликда тадбиркорлик корхоналарида янгиликка ўчроқ бўлади. Тадбиркорлик корхоналарининг раҳбарлари ишбилармон, ғайратчан бўлади. Шу сабабли, уларда самарадорлик юқори бўлади.

Тадбиркорлик фаолиятини, айниқса қурилиш соҳасидаги тадбиркорликни мамлакатимизда ривожлантириш учун Ғарб мамлакатларида қурилиш соҳасидаги тадбиркорликнинг ривожланишини олимлар ва тадқиқотчилар томонидан кенг миқёсда ўрганиш зарурдир. Бундай тадқиқотларда тадбиркорларнинг тажрибаси, уларнинг энг кучлиларига хос бўлган хислатлар кўриб чиқилади ва улар асосида қандайдир умумий белгилар аниқлаштирилади.

II-боб. Наманган вилоятида қурилиш тармоғида тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати

2.1. Наманган вилоятида қурилиш тармоғида тадбиркорлик ривожланишининг ҳозирги ҳолати.

Мамлакатимизда ва жумладан Наманган вилоятида иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш ва кўламларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, зарур ишбилармонлик муҳитини яратиш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати изчил оширилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида кейинги йилларда иқтисодий кўрсаткичлар тизими такомиллашиб бормоқда. Улар мамлакатимизда аҳолининг турмуш даражасини юксалиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Наманган вилоятида 2014 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10,3 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 12,5 фоизга, қишлоқ хўжалиги 8,5 фоизга, капитал қўйилмалар 34,3 фоизга, қурилиш ишлари 11,0 фоизга, чакана савдо айланмаси 12,9 фоиз ва пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 17,7 фоизга ўсишига эришилди.

Наманган вилоятини 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурига асосан 2014 йил давомида 204,7 млрд сўм миқдорида маблағ ўзлаштириш ҳисобига 1347 та лойиҳаларни ишга тушириб, 11115 та иш ўрни яратиш кўзда тутилган эди.

2014 йил давомида олиб борилган ишлар туфайли вилоятда 1347 та лойиҳалар (саноат соҳасида 392 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 592 та, қишлоқ хўжалиги соҳасида 363 та) амалга оширилиб, 11182 та иш ўринлари барпо этилди. Ушбу мақсадлар учун 215,3 млрд сўм сарфланди.

Вилоят иқтисодиёти ривожини ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми, ўсиш суръати ва таркиби бўйича таҳлил қилиш мақсадида 2.1.1. ва 2.1.2-

жадвалларда маълумотлар келтирилган. 2.1.1-жадвал маълумотлари кўрсатишича вилоятда 2013 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 4969,4 млрд.сўмни ташкил этган бўлиб, 2012 йилга нисбатан 11,2 фоизга ўсган. Бунда саноат ишлаб чиқариши 538,9 млрд. сўмни ташкил этиб, 8,4 фоизга ўсган ва вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг 10,8 фоизини бермоқда.

2.1.1-жадвал

Наманган вилоятида 2013 йилдаги Ялпи ҳудудий маҳсулот таркиби

№	Кўрсаткичлар	2013 йил		
		ҳажми, млрд.сўм	структура, %	ўсиш суръати, %
1	Ялпи ҳудудий маҳсулот	4969,4	100,0	111,2
	<i>шу жумладан:</i>			
2	Саноат ишлаб чиқариш	538,9	10,8	108,4
3	Қурилиш	349,0	7,0	116,1
4	Қишлоқ хўжалиги	1826,5	36,8	108,9
5	Транспорт ва алоқа	443,9	8,9	107,0
6	Савдо ва умумий овқатланиш	443,4	8,9	114,5
7	Солиқлар	159,2	3,2	111,9
8	Бошқалар	1208,6	24,3	114,5
	шу жумладан;			
9	ЯХМ даги кичик бизнеснинг улуши	х	79,5	х
10	ЯХМ даги хизматлар улуши	х	42,2	х

Манба: Наманган вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари

Қишлоқ хўжалиги вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг энг кўп қисмини берадиган соҳа ҳисобланади ва 2013 йилда жами ялпи ҳудудий маҳсулотдаги бу соҳанинг улуши 36,8 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалигида 2013 йилда 1826,5 млрд.сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Тартиб бўйича жойлаштириладиган бўлса, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалигидан кейин саноат, транспорт ва алоқа, савдо ва умумий овқатланиш ҳамда қурилиш соҳалари ўрин эгаллайдилар. 2013 йилги ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнеснинг ҳиссаси яна ортиб борди ва 79,5 фоизни ташкил қилди. Бу вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига катта эътибор қаратилаётганини кўрсатмоқда.

2014 йили Наманган вилоятида 6073,3 млрд.сўмлик ялпи ҳудудий маҳсулот яратилди (2.1.2-жадвал). 2014 йили 2013 йилга нисбатан 10,3 фоизга ўсиши таъминланди. Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида структуравий ўзгаришлар юз берди. Саноатнинг улуши 2013 йилдаги 10,8 фоиздан 7,7 фоизга тушиб қолди. Қишлоқ хўжалигининг улуши 36,8 фоиздан 35,5 фоизга камайди. Улар ҳисобига қурилиш соҳасининг ҳиссаси ортиб борди. Қурилиш соҳаси 2013 йилда 349,0 млрд. сўмлик ҳисса қўшган бўлса, 2014 йилда 469,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди. Ялпи ҳудудий маҳсулотда қурилиш соҳасининг ҳиссаси 2013 йилда 7,0 фоизга тенг бўлган бўлса, 2014 йилга келиб бу соҳанинг ҳиссаси 7,7 фоизга етди. Бу вилоятда қурилиш ишларига эътибор кучайтирилаётганидан дарак бермоқда. Вилоятнинг қишлоқ жойларида намунавий уй-жойлар қуриш жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. Янги бинолар, ишлаб чиқариш объектлари, ижтимоий соҳалар объектлари қурилмоқда ва ишга туширилмоқда. Бунинг эвазига қурилиш ривожланиб бормоқда ва ялпи ҳудудий маҳсулотдаги ҳиссаси ортиб бормоқда.

Вилоятда хизматлар соҳасининг ривожланишига ҳам эътибор кучайтирилмоқда. 2013 йили бу соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши

42,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб 43,1 фоизга тенг бўлди. Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибида кичик бизнеснинг улуши ҳам ортиб бормоқда. 2013 йили кичик бизнеснинг улуши 79,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йили 79,7 фоизни ташкил этди.

2.1.2-жадвал

Наманган вилоятида 2014 йилдаги Ялпи ҳудудий маҳсулот таркиби

№	Кўрсаткичлар	2014 йил		
		ҳажми, млрд.сўм	ўсиш суръати, %	структура, %
1	Ялпи ҳудудий маҳсулот	6073,3	110,3	100,0
	<i>шу жумладан:</i>			
2	Саноат ишлаб чиқариш	648,3	108,4	107,0
3	Қурилиш	469,8	111,0	7,7
4	Қишлоқ хўжалиги	2154,9	108,5	35,5
5	Транспорт ва алоқа	538,0	110,1	8,9
6	Савдо ва умумий овқатланиш	582,1	112,3	9,6
7	Солиқлар	186,6	111,0	3,1
8	Бошқалар	1493,5	112,7	24,6
	<i>шу жумладан;</i>			
9	ЯХМ даги кичик бизнеснинг улуши	х	х	79,7
10	ЯХМ даги хизматлар улуши	х	х	43,1

Манба: Наманган вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари

2.1.3-жадвалда Наманган вилоятида 2013-2014 йилларда кичик бизнеснинг ривожланиш кўрсаткичлари келтирилган. Вилоят

иқтисодиётидаги бандликни таъминлашда кичик бизнеснинг улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда.

2.1.3-жадвал

Наманган вилоятида 2014 йилларда кичик бизнеснинг кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	2013 й.	2014 йил режа	2014 йил ҳақи- қатда	2013/ 2014 йилга · нисба тан %да
1	Иқтисодиётда бандликдаги кичик бизнеснинг улуши	%	81,4	81,8	81,8	100,5
2	Кичик бизнесда маҳсулот экспортининг ҳажми	млн. долл.	48,5	55,0	56,1	115,6
3	Кичик бизнесда маҳсулот импортининг ҳажми	млн. долл.	86,3	90,0	90,1	104,4
4	Ҳудуд экспортида КК ва микрофирмалар салмоғи	%	48,1	49,0	49,7	х
5	Ҳудуд импортида КК ва микрофирмалар салмоғи	%	58,5	60,0	60,3	х
6	Кичик бизнес субъектлари томонидан яратилган янги ишчи ўринлари	бирлик	23858	25000	25426	106,6
7	1000 кишига тўғри келадиган кичик бизнес субъеклари сони	бирлик	10	11	11	101,0

Манба: Наманган вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари.

2013 иқтисодиётдаги бандликда кичик бизнеснинг улуши 81,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 81,8 фоизни ташкил этди. Вилоятда ташқи иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда ҳам

кичик бизнеснинг ўрни ва хиссаси ортиб бормоқда. 2013 вилоят кичи кбизнес субъектлари томонидан 48,5 млн.долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, 2014 йили 56,1 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинди ёки 2013 йилга нисбатан 15,6 фоиз кўп маҳсулотлар экспорт қилинди. 2014 йили кичик бизнес субъектлари томонидан 90,1 млн.долларлик маҳсулотлар импорт қилинди. Бу 2013 йилдагига қараганда 4,4 фоизга кўпроқни ташкил этади.

Кичик бизнес вилоятда аҳолини иш билан таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. 2014 йили улар томонидан 25426 нафар янги иш ўрни яратилди ёки 2013 йилга нисбатан 6,6 фоиз кўпроқ иш ўрни яратилди. Вилоятда ҳар минг кишига 11 та кичик бизнес субъекти тўғри келмоқда. 2015 йили кичик бизнес фаолиятига янада кўпроқ эътибор қаратилади. Чунки, бу соҳа иқтисодийнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда

2.1.4-жадвал

Наманган вилоятида 2013-2014 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши

№	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	2013 й.	2014 йил режа	2014 йил ҳақиқатда	2013/2014 йилга. нисбатан %да
	- ЯҲМ даги улуши	%	79,5	79,7	79,7	х
	- Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млн.сў м	795244, 8	856900, 0	856920, 0	107,8
	жами саноатдаги улуши	%	48,8	49,0	49,5	х
	- Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳажми	млн.сў м	2409744 ,0	2450000 ,0	2486900 ,0	103,2
	қишлоқ хўжалигидаги улуши	%	99,0	99,1	99,1	х

Манба: Наманган вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари.

Айниқса, қурилиш соҳасида кичик бизнес фаолиятига кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Йилнинг устувор йўналишлари ичида қурилиш соҳасини юқори суръатлар билан ривожланиши белгиланган. Шу сабабли, қурилишда кичик бизнес субъектларини кўпроқ ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

2.1.4-жадвалда Наманган вилоятида 2013-2014 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши тўғрисидаги маълумотлар тайёрланган. Ундан вилоятда кичик бизнес субъектларининг улуши йилдан-йилга ортиб бораётганлигини кўриш мумкин. Ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 2013 йили 79,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб 79,7 фоизни ташкил этди. Кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2014 йили 49,5 фоизни ташкил этди ва улар томонидан 856920,0 млн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Қишлоқ хўжалигида эса кичик бизнеснинг улуши жуда юқори бўлиб 99,1 фоизни ташкил этмоқда.

2013 йили Наманган вилоятида 14447 та кичик бизнес субъекти мавжуд бўлган бўлса, 2014 йилга келиб уларнинг сони 15122 тага етди (2.1.5-жадвал). Шундан 13080 таси ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

2013 йили Наманган вилоятида кичик бизнес субъектлари томонидан 672187,5 млн.сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди ва уларнинг қурилиш ишларидаги хиссаси 87,8 фоизни ташкил этди. Бу жараён янада ривожланишда давом этди ва 2014 йилга келиб кичик бизнес субъектлари томонидан 685320,0 млн.сўмлик қурилиш ишлари бажарилди ва жами қурилиш ишларидаги кичик бизнеснинг хиссаси 86,9 фоизга тенг бўлди.

Наманган вилоятида 2014 йилда тадбиркорликнинг ривожланиши

№	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	2013 й.	2014 йил		2013/ 2014 йилга нис- батан %да
				Режа	Ҳақиқатда	
1	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони	бирлик	14447	15050	15122	105,8
	<i>шундан:</i>					
	Фаолият кўрсатаётгани	бирлик	12292	13000	13080	107,4
2	Кичик корхоналар сони	бирлик	1452	1450	1454	100,1
	Фаолият кўрсатаётгани	бирлик	1385	1390	1393	100,6
3	Микрофирмалар сони	бирлик	12995	13600	13833	106,4
	Фаолият кўрсатаётгани	бирлик	10907	11610	11811	108,3
	Қурилиш ишлари ҳажми	млн. сўм	672197, 5	685000, 0	685320, 0	102,0
	қурилишдаги улуши	%	87,8	87,9	87,9	х
	Жами хизмат кўрсатиш ҳажми	млн.сў м	1773353 ,2	182000, 0	1820630 ,0	102,7
	жами хизмат кўрсатишдаги улуши	%	63,5	66,5	66,7	х

Манба: Наманган вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари.

Бу каби ўзгаришларда эришилишида капитал қўйилмалар ҳажмининг ортиб бориши ўз таъсирини кўрсатмоқда. Вилоят бўйича 1620038,2 млн.сўмлик капитал қўйилмалар киритилган бўлиб, ўсиши 134,3 фоизга тенг бўлди (2.1.6-жадвал). Вилоятнинг туманларида бу йўналишдаги ишлар бир хил даражада амалга оширилмаяпти. Наманган, Мингбулок, Чуст, Чортоқ ва

Янгиқўрғон туманларида капитал қўйилмалардан фойдаланиш суръатлари ортиб бораётган бўлса, бошқа туманларда ишлар яхши йўлга қўйилмаган. Косонсой, Уйчи ва Учқўрғон туманларида капитал қўйилмалар ҳажми 2013 йилдаги даражадан ҳам пастроқни ташкил этди. Бу туманларда қурилиш ишларини амалга оширилиши суръати ҳам паст бўлди.

2.1.6-жадвал

Наманган вилоятида 2014 йилда капитал қўйилмалар ҳажми

№	Шаҳар ва туманлар номи	Молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан капитал қўйилмалар ҳажми, млн.сўм	2013/2014 йил якунига нисбатан % ҳисобида
Вилоят бўйича		1620038,2	134,3
1	Наманган ш.	382980,6	100,3
2	Мингбулоқ	44554,1	111,2
3	Косонсой	60518,2	88,3
4	Наманган	144108,7	124,4
5	Норин	68706,1	100,9
6	Поп	483471	482,6
7	Тўрақўрғон	91200,8	100,4
8	Уйчи	78596,3	88,9
9	Учқўрғон	52649,1	98,2
10	Чортоқ	67298,9	106,5
11	Чуст	74282,4	109,8
12	Янгиқўрғон	71672	106,2

Манба: Наманган вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари

Вилоятда қурилиш соҳаси ривожланиб бориши билан биргаликда, бу соҳада амалга ошириладиган ишлар кўпгинани ташкил этади. Соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушини орттиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу йўналишда ҳар бир туманда махсус тадбирлар тузилиши,

қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга янада қулайроқ имтиёзлар бериш керак бўлади.

2.2 Наманган вилоятида қурилишни амалга ошириш ва ишга туширишнинг таҳлили.

Мамлакатимизда ва унинг турли ҳудудларида йирик ҳажмда қурилиш ишлари амалга оширилмоқда ва янги объектлар ишга туширилмоқда. Жумладан, Наманган вилоятида ҳам қурилишлар амалга оширилмоқда ва тайёр бўлганлари ишга туширилмоқда. Қурилиш ишлари ҳажмининг ортиб боришига асосий таъсирни қурилишга сарфланадиган капитал қўйилмалар ҳажмининг ортиши кўрсатади. Бизга маълумки, молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан капитал қўйилмалар ортиб бормоқда. 2014 йили барча манбалар ҳисобидан 1620038 млн.сўмлик капитал қўйилмалар киритилди ва 2013 йилга нисбатан 134,3 фоизни ташкил этишига эришилди (2.2.1-жадвал).

Капитал қўйилмаларнинг катта қисми ишлаб чиқариш соҳасига тегишли бўлмоқда. Ноишлаб чиқариш соҳасига сарфланган капитал қўйилмалар 2014 йилда 681983,1 млн.сўмни ташкил этди ва 2013 йилга нисбатан 8,6 фоизга ўсди. Ишлаб чиқариш соҳасига киритилаётган капитал қўйилмалар 938055 млн.сўмни ташкил қилди ва 2013 йилга нисбатан 77,3 фоизга ўсди. Бу вилоятда ишлаб чиқариш соҳасига киритилаётган капитал қўйилмалар ҳажмининг ортишига катта эътибор қаратилаётганидан дарак бермоқда.

Иқтисодиётни риводлантиришда капитал қўйилмаларнинг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, улар орқали соҳа ва тармоқларнинг ривожланиши таъминланади.

2.2.1-жадвал

**Наманган вилоятида 2013-2014 йилларда молиялаштиришнинг барча
манбалари ҳисобидан капитал қўйилмалар**

№	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	2013 й.	2014 йил		2013 йилга нисбатан %да
				Режа	Факт	
1	Молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан капитал қўйилмалар ҳажми	млн.сўм	1016733,1	1524500	1620038	134,3
	шу жумладан:					
2	Ишлаб чиқариш соҳасида	млн.сўм	436906,5	882685,5	938055	177,3
3	Ноишлаб чиқариш соҳасида	млн.сўм	579826,6	641814,5	681983,1	108,6
4	Ўз кучлари эвазига бажарилган пудрат ишлари	млн.сўм	726715,4	927500	928282,8	111
5	Жами капитал қўйилмалар	млн.сўм	1016733,1	1524500	1620038,2	134,3
	Марказлаштирилган инвестициялар:	млн.сўм	230906	527000,5	555158,2	211,6
	- бюджет маблағлари	млн.сўм	75732,7	100550	101895,8	118,4
	- бюджетдан ташқари фондлар маблағлари	млн.сўм	105105,5	170600	179504,3	150,3
	- ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар	млн.сўм	50067,8	255850,5	273758,1	4,8 м
6	Марказлаштирилмаган инвестициялар:	млн.сўм	785827,1	997499,5	1064880	119,3
	- корхоналарнинг ўз маблағлари	млн.сўм	152814,3	320600,5	327199,7	188,4
	- тижорат банкларининг кредитлари	млн.сўм	168385,9	205950,5	219985,3	115,0
	- тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	млн.сўм	32860,7	15900,5	18358,8	49,2
	- аҳоли маблағлари	млн.сўм	424879,1	455048	499336,2	103,4

Манба: Наманган вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари.

2.2.2-жадвалда 2013-2014 йилларда Наманган вилоятида ижтимоий соҳа объектлари қурилиши ва ишга туширилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. 2013 йили 928,9 минг квадрат метр турар жойлар топширилган

бўлса, 2014 йили 1025,1 минг квадрат метр уй-жойлар ишга туширилди ёки 2013 йилга нисбатан 110,4 фоизни ташкил этди. Айниқса қишлоқ жойларида аҳоли учун турар-жойлар қурилишига катта эътибор қаратилмоқда.

2.2.2-жадвал

Наманган вилоятида 2013-2014 йилларда ижтимоий соҳа объектларини ишга туширилиши

№	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	2013 й.	2014 йил		2013. йилга нисбатан %да
				режа	ҳақиқатда	
1	Ижтимоий соҳа объектларини ишга тушириш					
2	Турар жой	МИНГ КВ.М.	928,9	834,4	1025,1	110,4
3	шу жумладан - қишлоқда	МИНГ КВ.М.	803,2	741,5	853,7	106,3
4	Аҳоли ҳисобига	МИНГ КВ.М.	831,5	793,4	917,8	110,4
5	шу жумладан - қишлоқда	МИНГ КВ.М.	705,8	725	746,4	105,8

Манба: Наманган вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари.

2.2.3-жадвалда Наманган вилоятида 2013-2014 йилларда мактаблар ва касалхоналар қурилиши ва ишга туширилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. 2014 йили 8 та умумтаълим мактаблари капитал реконструкция йўли билан қурилиб ишга туширилди ва улар 4279 та ўқув жойига эгадир. Вилоятда 2014 йили 715 та касалхоналар ва 720 та амбулатория поликлиника муассасалари ишга туширилди. Бу муассасаларнинг қурилишига ва ишга туширилишига вилоятда қурилишга берилаётган катта эътибор сабаб бўлмоқда.

**Наманган вилоятида 2013-2014 йилларда мактаблар ва касалхоналар
қурилиши ва ишга туширилиши**

№	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	2013 й.	2014 йил		2013 йилга нисба- тан %да
				режа	ҳақиқат да	
1	Умумтаълим мактаблари жами					
	сони	дона	10	8	8	80,0
	қуввати	ўқув жойи	3455	4279	4279	123,8
2	Капитал-реконструкция йўли билан умумтаълим мактабларини ишга тушириш					
	сони	дона	10	8	8	80,0
	қуввати	ўқув жойи	3455	4279	4279	123,8
3	Касалхоналар	урин	645	715	715	110,9
4	Амбулатория-поликлиника муассасалари	катнов	325	720	720	221,5

Манба: Наманган вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари.

2.2.4-жадвалда Наманган вилоятида 2013-2014 йилларда ижтимоий объектлар қурилиши ва ишга туширилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. 2014 йили ичимлик сув тармоқлари ва табиий газ тармоқлари қуриш ишлари 2013 йилга қараганда камроқни ташкил этди. Капитал реконструкция йўли билан 3 та коллеж ишга туширилди. 2014 йили вилоятда 2 та болалар мусиқа мактаблари ва 11 спорт иншоотлари қуриб битказилди ва ишга туширилди.

Қурилишнинг моддий-техник базасини ривожлантиришда қурилиш материаллари саноати алоҳида ўрин тутади. Бу тармоқдаги корхоналар

цемент, оҳак, гипс, ғишт, шиша, қоплама ва иссиқлик ўтказмайдиган материаллар, турли тўлдирмалар ишлаб чиқаради. Мамлакатимизда қурилиш материалларидан цемент, йиғма темир-бетон конструкция ва деталлар, дераза шишаси, линолеум, қоплама материаллар, керамик (глазурланган) плиталар ва бошқа материаллар ишлаб чиқарилмоқда.

Капитал қурилишда айрим турдаги материаллар истеъмолининг солиштирма улуши жуда каттадир. Масалан, тахминан 80% цемент, дераза ойнаси - 50%, ёғоч материаллар - 35-40%, қора металл прокати - 20%, юмшоқ қоплама материаллар - деярли 70% истеъмол қилинади.

2.2.4-жадвал

Наманган вилоятида 2013-2014 йилларда ижтимоий объектлар қурилиши
ва ишга туширилиши

№	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	2013 й.	2014 йил		2013 йилга нисба- тан %да
				режа	ҳақиқа тда	
1	Ичимлик сув тармоқлари	км	218,8	171	209	95,5
2	Табиий газ тармоқлари	км	66,0	48,7	48,7	73,8
3	Капитал-реконструкция йўли билан касб-хунар коллежларини ишга тушириш					
	сони	дона	4	3	3	75,0
	қуввати	ўқув жойи		390	390	
	Ётоқхона ўрни	жой	250	-	-	-
4	Болалар мусиқа мактаблари	дона	3	2	2	66,7
5	Спорт иншоотлари	дона	10	11	11	110,0

Манба: Наманган вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари.

Қурилишнинг материаллар, конструкциялар, техникалар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан энг тўла таъминлаш кўп жиҳатдан

тармоқлараро алоқаларнинг мукамаллиги ва янада ривожлантирилишига боғлиқдир. Бу эса, одатда, ишлаб чиқаришнинг тармоқлараро балансида ва маҳсулотнинг иқтисодиётдаги тақсимоотида акс этади.

Наманган вилоятида қурилиш соҳасининг ривожланиши суръатларининг янада оширилиши ва вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоотидаги улушини ортишига эришиш учун бу соҳада тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинади.

2.3. Наманган вилоятида қурилиш корхоналарида тадбиркорликни ривожлантириш орқали даромадларни ошириш йўллари

Қурилиш ташкилотлари мамлакат иқтисодиётига самара келтириш билан биргаликда ўзлари ҳам самарали фаолият олиб боришлари, фойда ва даромадларини орттириб боришлари катта аҳамиятга эгадир. Қурилиш корхоналарида фойда миқдори ва рентабеллик даражасини орттириш учун авваламбор уларда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш лозим. Қурилиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектларининг фойдасини ошириш эса улар фойдаланадиган қурилиш материалларига кўп жихатдан боғлиқ.

Бугунги кунда Наманган вилоятида барча тармоқлар ва соҳалар қатори қурилиш материаллари саноати ҳам ривожланиб бормоқда. 2.3.1-жадвалда вилоятда тармоқлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Иқтисодиётнинг барча тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда ва 2014 йили вилоятдаги барча тармоқларда 1964961,8 млн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 2013 йилга нисбатан олганда 120,6 фоиз ўсишга эришилди. Бунга эришилишида барча тармоқлар қатори қурилиш материаллари саноатининг ҳам хиссаси катта бўлди. 2013 йилда вилоятда қурилиш материаллари саноати томонидан 67364,5 млн.сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлса, 2014 йили 80436,7 млн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 2013 йилга нисбатан олганда 119,4

фоизга ортишига эришилди. Бу ҳолат қурилиш соҳасидаги тадбиркорликнинг янада ривожланишига катта туртки бериши мумкин.

2.3.1-жадвал

Наманган вилоятида тармоқлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми

№	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	2013 йил	2014 йил	
				режа	ҳақиқатда
1	Тармоқлар бўйича маҳсулот ҳажми	млн.сўм	1629499,2	1964961,8	1964961,8
2	Электроэнергетика	млн.сўм	69307,9	90117,0	90202,0
3	Ёкилғи саноати	млн.сўм	9821,6	13750,2	13760,0
4	Қора Металлургия саноати	млн.сўм	8247,1	11188,4	10167,5
5	Рангли Металлургия саноати	млн.сўм		59,0	59,5
6	Химия ва нефть химияси саноати	млн.сўм	16019,3	15218,9	13534,7
7	Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	млн.сўм	160624,5	233081,5	233819,3
8	Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва қоғоз-целлюлоза саноати	млн.сўм	35196,2	42548,1	42631,1
9	Қурилиш материаллари саноати	млн.сўм	67364,5	80125,5	80436,7
10	Фарфор-фаянс саноати	млн.сўм	6,8	9,7	9,7
11	Енгил саноат	млн.сўм	635352,4	753951,0	753951,0
12	Озиқ-овқат саноати	млн.сўм	443517,8	497065,9	497982,2
13	Ун-крупа ва комбикорма саноати	млн.сўм	120996,6	134763,4	135274,4
14	Медицина саноати	млн.сўм	31702,3	38756,4	38801,7
15	Полиграфия саноати	млн.сўм	1578,4	2111,9	2117,3
16	Бошқа тармоқлар	млн.сўм	29763,8	52214,7	52214,7

Манба: Наманган вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари.

2.3.2-жадвалда вилоятда муҳим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми тўғрисидаги таҳлилий материаллар келтирилган. Ундан муҳим қурилиш маҳсулотлари ҳисобланган картон ва юмшоқ том ёпқич маҳсулотлари вилоятдаги “Ўзбеккровля” очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқраилаётгани ва бу корхонада қурилиш материаллари ишлаб

чиқаришда асосий эътибор маҳсулот сифатига қаратилаётгани маълум бўлади. Шу билан биргаликда бу корхона ўз фаолиятини нотекис олиб бораётгани кўриниб турибди. Баъзи бир қурилиш материаллари ишлаб чиқариш хажмининг камайишига йўл қўйилган.

2.3.2-жадвал

Наманган вилоятида муҳим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
хажми

№	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	2013 йил	2014 йил	
				режа	ҳақиқатда
1	Норин Механикал плент				
	Велосипедлар	дона	5920	6157	6207
2	Бирюза Групп				
	Трикотаж маҳсулотлари	минг дона	10285	11213	11274
3	Ўз Часис КК				
	Енгил автомашина эҳтиёт қисмлари	млн.сўм	1379,1	1462,4	1470,7
4	Наманганмаш				
	"Сурма қопқоқлар"	минг дона	376,2	417,6	418,4
5	Карбонам				
	КМЦ	тонна	2059,0	824,6	670,0
6	Ўзбеккровля				
	Картон	тонна	1249,0	998,9	874,0
	Юмшоқ том ёпғич маҳсулоти	минг кв.м	8121,0	2845,7	2479,8
7	Нестле Ўзбекистон				
	Қадоқланган болалар овқати	тонна	172,0	146,1	137,0

Изох: Наманган вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари

Вилоятда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатини янада ривожлантириш учун ва бу тармоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажмини

орттиришга эришиш учун қурилиш материаллари ишлаб чиқариш фаолиятида ҳам тадбиркорликни янада ривожлантиришга эришиш лозим. Бунга эришиш учун эса уларда фойда ва рентабеллик даражасини оширишга эришиш зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида қурилиш соҳасидаги тадбиркорларга барча соҳаларда ҳуқуқ ва эркинликлар берилиб, юқоридан кўрсатмалар берилмай, балки техник ривожланиш уларнинг ўз ташаббускорлигидан келиб чиқади. Бу масала қурилиш ташкилотининг бош муҳандиси раҳбарлиги остида ҳал қилинади ва керак бўлганда бунга корхонанинг иқтисодий воситалари жалб қилинади. Даставвал режа ва дастурнинг асосий йўналишларини белгиловчи тадбирлар рўйхати тузилади, ушбу рўйхатда тадбирларнинг қисқача таснифи ва уларнинг қайси объектларда амалга оширилиши кўрсатилади. Режага киритиладиган ҳар бир тадбир зарур техник иқтисодий ҳисоб китоблар натижасида тасдиқланади, малакали ишчилардан ташкил топган ташаббускор гуруҳ ташкил этилади. Бу ишлаб чиқариш резервларидан максимал даражада фойдаланилишини таъминловчи режаларни систематик равишда такомиллаштириш ва уларга зарур тузатишлар киритиш имкониятини беради. Қурилиш ташкилотида барча имкониятларни ишга солиш ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланилгандагина фойда олишга эришиш мумкин.

Фойда – бу қурилиш корхонаси ишчиларининг қўшимча меҳнати билан топилган тоза даромад ёки даромад ва маҳсулот (иш, хизмат)нинг тўла таннархи ўртасидаги фарқдир. У қурилиш соҳасидаги тадбиркорликнинг молиявий ва ишлаб чиқариш барқарорлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Фойда ҳисобига қурилиш соҳасидаги тадбиркорлик корхоналари ривожланади, ишчиларнинг моддий мукофотлар жамғармалари ташкил этилади, умуман хўжалик субъектлари ва давлат эҳтиёжлари қондирилади. Ундан ташқари фойда олиш қурилиш соҳасидаги тадбиркорлик рақобатбардошлигини муҳим шарти ҳам ҳисобланади.

Қурилишда инвестицион жараённинг турли босқичларида фойданинг қуйидаги турлари аниқланади:

Смета фойдаси – бино, иншоот ва бошқа объектлар лойиҳасида белгиланган фойда;

Режадаги фойда – муайян шартлар учун қурилиш ташкилотлари ҳисобига олинган фойда;

Ҳақиқий фойда – ишлаб чиқариш фаолияти натижасида олинган фойда.

Смета фойдасини бошқача қилиб, қурилиш ташкилотининг режадаги жамғармалари, яъни қурилиш лойиҳасида бириктирилган, уни кафолатланган даромад деб номланади. У қурилиш машиналари ва механизмларига хизмат кўрсатувчи қурувчи ва ишчилар иш ҳақи қийматининг 50 фоизини ёки лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган қурилиш-монтаж ишлари таннарининг 12 фоизи ҳисобида белгиланган.

Нарх-навони эркинлаштириш шароитида режадаги жамғармалар (сметага оид фойда) даражаси буюртмачи розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Смета фойдаси кафолатли даромад сифатида қурилиш ташкилотига солиқни, банк кредитлари бўйича фоизларни тўлашга, уй-жой-коммунал хўжалик объектларини сақлашга, ишловчиларни рағбатлантиришни амалга оширига ёрдам беради.

Режадаги фойда остида қурилиш тадбиркорлиги бизнес режасини ишлаб чиқиш жараёнида белгиланган фойда тушунилади. Қурилиш соҳасидаги тадбиркорлар имзоланган пудрат шартномалари асосида ўз фойдасини мустақил режалаштиради.

Алоҳида объектлар бўйича режадаги фойда (P_a) қуйидаги формула бўйича: смета фойдаси ёки режали жамғармалар ($P_{\text{ж}}$), иш таннарини камайтириш орқали эришилган режали самара ($\mathcal{E}_p$) ва буюртмачидан олинган компенсация (K_6) йиғиндиси сифатида ҳисобланади.

$$P_a = P_{\text{ж}} + \mathcal{E}_p + K_6$$

Қурилиш ташкилотининг ўз кучлари билан бажарилган ишларни буюртмачига топширишдан келиб чиқадиган режадаги фойда (Φ_p) қуйидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$\Phi_p = \Phi_{pp} + I_{pt} + \Phi_{px}$$

Φ_{pp} – тугалланмаган қурилишдаги амалга оширилмаган фойда;

I_{pt} – режалаштирилган даврдаги ўз кучлари билан бажарилган иш таннархини пасайтиришдан тежаш;

Φ_{px} - режалаштирилган давр охиридаги тугалланмаган қурилишда амалга оширилмаган фойда;

Умуман қурилиш соҳасидаги тадбиркорлик корхонаси бўйича режадаги фойда қўшимча ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хўжалик хизматларини амалга оширишдан буюртмачига ишлар, объектларни топширишдан олинган фойда йиғиндиси сифатида ҳисобланади.

Ҳақиқий фойда – бу белгиланган даврда қурилиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятини молиявий натижасидир. У қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Phi_x = H_k - K\text{ҚС} - T_c$$

Бу ерда:

H_k – келишилган нарх;

$K\text{ҚС}$ - қўшилган қиймат солиғи;

T_c – бажарилган ишларнинг соф таннархи;

Баланс фойдаси қурилиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг ҳамма турлари натижасида олинган фойдани ўз ичига олади. У қуйидаги формула билан аниқланади.

$$\Phi_b = \Phi_x + \Phi_m + \Phi_d - C_d$$

Φ_x – ҳақиқий фойда;

Φ_m – мол – мулк (акциялар) сотишдан келган фойда;

Φ_d – ёрдамчи ва қўшимча маҳсулотларни сотишдан келадиган фойда;

C_d – сотишдан ташқари даромадлар;

ёки:
$$\Phi_6 = K_{ck} - T_c - X_6$$

K_{ck} – қурилишнинг смета бўйича қиймати;

T_c – қурилиш ишларнинг соф таннари;

X_6 – буюртмачилар ҳақлари ва имтиёзлари, смета бўйича кўриб чиқилмайди;

Ялпи фойда – бу баланслаштирилган (Φ_6) ва ҳисоб-китоб қилинган (Φ_x) фойда йиғиндисидир. У қуйдаги формула бўйича аниқланади.

$$\Phi_y = \Phi_6 + \Phi_x$$

Ҳисоб-китоб қилинган фойда (Φ_x) маҳсулот (иш, хизмат) паст бозор нархида сотилиш молиявий моддий ресурсларнинг бепул олиниши, маҳсулот, иш, хизматларни тўғри айирбошлаш вақтида ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Бу ерда корхона томонидан банк кредити учун фоизлар бўйича тўланадиган маблағ ҳисобланиши ҳам мумкин.

Солиққа тортиладиган фойда ҳам худди ялпи фойда каби ҳисобланади, лекин фарқи шундаки, бу ерда бюджетга солиқлар ва бошқа тўловлар назарда тутилади. Солиқ тортиладиган фойда қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$\Phi_{ct} = \Phi_y - M - I - Kk - Kd - J_3$$

Φ_y – ташкилотнинг ялпи фойдаси;

M – мол-мулкка солиқ;

I – ижара ҳақи (агар бу назарда тутилса);

Kk – қимматбоҳо қоғозлар бўйича даромад;

ҚД - қўшимча даромад (ўз хиссаси билан қатнашиш);

Ж_з – ташкилот заҳира жамғармасига ажратиш;

Соф фойда солиқларни (С) тўлангандан кейин корхона ихтиёрида қоладиган фойда ҳисобланади:

$$\Phi_c = \Phi_{ct} - C$$

Соф фойда бозор шароитида молиявий барқарорлик ва ишга лаёқатлилиқ бўйича қурилиш ташкилотининг ҳақиқий кучларини акс этиради. Айнан соф фойда ишлаб чиқаришни юксалтириш, ишловчиларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволларини яхшилаш учун асосий шарт ҳисобланади.

Рентабеллик қурилиш ташкилоти ишлари самарадорлигининг баҳолаш кўрсаткичи ҳисобланади. Агар қурилишдаги тадбиркорлик, қолаверса ҳар қандай бошқа корхона ҳам ўз ишлаб чиқариш фаолиятдан фойда олса, уни даромадли ҳисоблаш мумкин. Лекин фойда билан қиёсланганда рентабеллик – бу фоизларда ҳисобланувчи нисбий кўрсаткичдир. Қанчалик маҳсулот ва ишлаб чиқаришга сарф-ҳаражат кам бўлса, шунча кўп фойда, маҳсулот рентабеллик даражаси юқори бўлади.

Қурилиш маҳсулотини режалаштириш ва ҳисоблаш амалиётида қуйидаги рентабелликнинг кўрсаткичлари ҳисобланади:

- смета бўйича рентабеллик даражаси;
- режадаги рентабеллик даражаси;
- ҳақиқий рентабеллик даражаси;

Смета бўйича рентабеллик даражаси смета фойдаси ёки режали жамғармаларни (Р_ж) қурилишнинг (объект, қурилиш-монтаж ишлари, хизматлари) смета қийматига нисбати сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_1 = P_{ж} / C * 100\%$$

Режадаги рентабеллик даражаси курилиш ташкилотлари фаолият натижалари бўйича истиқболни белгилаш (прогнозлаш) мақсадларига хизмат қилади ва қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_2 = P_{\text{ж}} / H_{\text{к}} * 100\%$$

$P_{\text{ж}}$ – смета фойдаси ёки режали жамғармалар;

$H_{\text{к}}$. курилиш объектига (бажарилган иш, кўрсатилган хизматларга) келишилган нарх;

Ҳақиқий рентабеллик - курилиш тугатилиши ва бажарилган ишлар бўйича бутун ҳисоб-китоблар ўтказишдан кейин белгиланадиган умумлаштирувчи самара кўрсаткичидир. У ҳақиқий фойданинг ($\Phi_{\text{х}}$) курилиш ҳақиқий қийматига (таннархи) ($H_{\text{х}}$) нисбати сифатида, яъни қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_3 = \Phi_{\text{х}} / H_{\text{к}} * 100\%$$

Ҳозирги вақтда маҳсулот рентабеллиги даражасини ошириш ва фойдалилигини таъминлаш ҳар бир кичик бизнес субъекти учун муҳим масала ҳисобланади, унинг кўп масалалари ўтмишдаги хўжаликни бошқаришнинг марказлашган амалиётидек давлат маблағи ҳисобидан эмас, хусусий ишлаб топилган маблағ ҳисобидан ҳал қилинади. Шунинг учун курилиш соҳасидаги тадбиркорлар нафақат фойдани кўпайтириш ва рентабеллик даражасини оширишга ҳаракат қилишлари, балки, тежашни, хусусий ишлаб топилган маблағдан оқилона фойдаланишни билишлари керак.

Курилиш соҳасидаги тадбиркорликда фойдани кўпайтириш ва рентабелликни ўстиришнинг ҳар хил йўллари орасида энг муҳимлари қуйидагилар ҳисобланади:

- баҳони шакллантириш механизми ва фойдани шакллантиришни такомиллаштириш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш;
- ишлаб чиқариш фондларидан, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш;
- ишлаб чиқаришнинг узвийлигини таъминлаш;
- қурилиш муддатларини қисқартириш ва амалда объектларни ишга туширишни тезлаштириш;
- қурилиш-монтаж ишлари таннархини пасайтириш ва уларни сифатини яхшилаш.

III-боб. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида қурилиш тармоғида тадбиркорликни ривожлантириш йўллари.

3.1. Қурилиш тизимида тадбиркорликни ривожлантиришнинг истиқболдаги натижалари

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйилиши энг устувор йўналишлардан ҳисобланади. Мамлакатимизда ушбу соҳага эътибор кучайтирилмоқда. Президентимиз ўз диққат-эътиборларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратмоқдалар.

...Кичик бизнесни ривожлантириш ва фермер хўжаликларини шакллантиришни рағбатлантириш бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилишига алоҳида эътибор бериш ва бу масалада катъий назорат ўрнатиш зарур»¹.

Мамлакат салоҳиятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталиб, шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон шароитида уларнинг имкониятларидан янада кенг фойдаланиш захиралари мавжуд. Чунки, мамлакат ва унинг ҳудудларидаги табиий ва меҳнат ресурслари, иқлими, ер ости ва ер усти бойликларининг беқиёслиги жиҳатидан етарли салоҳиятга эгадир. Бу ердаги асосий мақсад шу бойликлардан оқилона ва самарали фойдаланиш меҳнат ресурсларини тўлиқ жалб этиш хорижий инвестицияларни ишлаб чиқаришга янада кенгроқ жорий этиш натижасида қисқа муддат ичида кўзланган мақсадларга эришиш имконияти туғилади.

Бозор муносабатлари шаклланган шароитда иқтисодий ресурсларни хўжалик фаолияти юритувчи субъектлар ўз ҳаракатлари билан топадилар. Иқтисодий ислохотлар жараёнида хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришдан мақсад жамиятнинг чекланган ресурсларидан оқилона

¹ И.А.Каримов Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 11 февраль, 29 сони.

фойдаланишни таъминлашдан иборат бўлиб, хусусий мулкчиликка асосланган ва рақобат мавжуд бўлган бозор иқтисодиётида фаолият фойдасини кўпайтиришдан иборатдир. Шундай мақсадга эришиб борилса, барча соҳаларда бўлгани каби қурилиш соҳасидаги тадбиркорликда ҳам ривожланиш жараёнлари янада жадаллашиб кетади.

Қурилиш тизимида тадбиркорлик фаолиятини таҳлил қилиш асосида бу соҳада кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик. Мамлакатимизда қурилиш соҳасини истиқболдаги ривожланиши кўп жиҳатдан қурилиш фаолиятида тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқдир. Қурилиш соҳасида тадбиркорликни янада ривожлантириш, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ва иқтисодиётдаги миқёсини кенгайтириш ва муваффақиятини таъминлаш учун ислохотлар таркибида янги вазифаларни ҳал этиш зарур. Қурилиш тизимида тадбиркорликни ривожлантириш ва истиқболда уни етакчи соҳалардан бирига айланишини таъминлаш мақсадида қуйидаги йўналишларни амалга ошириш лозим:

1. Қурилиш соҳасидаги тадбиркорликнинг ривожланиши қурилиш фаолияти самарадорлигига боғлиқдир. Шу сабабли қурилиш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида инновацион фаолиятни кенг миқёсда қўллаш керак бўлади. Янги технологияларга йўл топиш замонавий рақобат муҳитида муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Янги технологиялар ва илмий-техник лойиҳалаш қийматининг юқорилиги сабабли қурилиш соҳасидаги кичик бизнес субъектларини катта қисми фақат тор доирадаги технологиялардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиб қолмоқдалар. Улар рақобатбардош бўлган қурилиш объектларини яратиш учун бу жабхада ўз устунликларини сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқдалар. Биз таклиф қилмоқчи бўлган йўналиш эса, қурилиш соҳасидаги тадбиркорлардан ўзларининг инновацион фаолиятларини янада жадаллаштиришни, янгиликларни яратишга тинимсиз ҳаракат қилишни ва ишлаб чиқилган янгиликларни,

инновацияларни тижоратлаштириш оҳасида ҳам фаолият олиб боришни ва бундан қўшимча фойда олишга ҳаракат қилишни назарда тутди. Албатта, янги инновацион ғоялар биринчи бўлиб тадбиркорлик субъектининг ўзида синаб кўрилади ва маълум давр ундан фойдаланилади. Бу йўналишдаги фаолият узлуксиз давом эттирилади. Инновацион фаолият қурилиш соҳасининг барча жабҳаларини қамраб олиши лозим. Қурилишда материаллардан фойдаланиш, қурилиш технологиясини самарали амалга ошириш, қурилишни ташкил қилишнинг янги усул ва воситаларини топиш, бошқарув соҳасининг самарадорлигини ошириш ва бошқа соҳаларда инновацион фаолият олиб борилиши лозим. Қурилиш соҳасидаги тадбиркорлар томонидан инновацион фаолиятни қўлланилиши улар фаолиятига катта миқдорда самарадорликка эга бўлиш имкониятини беради.

2. Қурилиш фаолияти самарадорлиги янги усулларга ва йўналишларга боғлиқдир. Қурилиш соҳасида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларини янги хил қурилиш материалларидан фойдаланиш билан биргаликда қурилишнинг янги турларини топишга, янги, замонавий қурилиш субъектларини барпо этишга, ҳамма учун қулай ва самарали бўлган қурилиш объектларини барпо этишга ҳаракат қилишлари лозим. Қурилиш соҳасидаги тадбиркорлар бу йўналишни оқилона тарзда қўллашлари ва мавжуд имкониятни тез пайқаб олишлари ҳамда ундан оқилона фойдаланишлари талаб этилади. Тадбиркорлар ўз маҳсулотларини керакли пайтда ва керакли жойда таклиф қилиш учун қизғин кураш олиб борадилар.

3. Қурилиш фаолиятида кўплаб материаллардан фойдаланилади. Қурилиш соҳасида янги материалларни ўзлаштиришдаги капитал харажатларни ва таваккалчилик даражасини пасайтиришга ҳаракат қилиш лозим. Қурилиш соҳасидаги тадбиркорлар ўз фаолиятларида янги қурилиш материалларини қўллашда таваккалчилик даражасини камайтиришга ва бу жараёнга кетадиган капитал харажатларни пасайтиришга ҳаракат қилишлари лозим. Ҳар бир яратилаётган янгилик камроқ капитал маблағларни талаб

этишига ҳаракат қилиниши ва бу фаолиятда таваккалчилик даражасини мунтазам баҳолаб борилиши керак бўлади.

4. Иқтисодиёт соҳаларининг ривожланиши уларда инвестициялардан фойдаланиш даражасига ҳам кўп жihatдан боғлиқдир. Мамлакатимизда қурилиш соҳасида тадбиркорликни келажакдаги янада юқорида суръатлардаги ривожланишини таъминлаш мақсадида бу соҳага хорижий инвестицияларни киритиш суръатини янада оширишга эришиш зарур. Бугунги кунда қурилиш соҳасига кўплаб инвестициялар киритилмоқда. Бу жараёни янада ривожлантириш лозим. Қурилиш соҳасига киритилаётган хорижий инвестициялар янги, замонавий техника, технология кўринишида бўлишига ҳаракат қилиш керак.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ушбу йўналишлари қурилиш соҳасида унинг таъсирини янада орттиришга, сифатли қурилиш объектларини барпо этилишига, замонавий янги бино ва иншоотларнинг пайдо бўлишига ва натижада халқимизнинг турмуш даражасини янада юксалишига олиб боради. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асл мақсади иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва шу асосда аҳоли турмуш даражасини муттасил яхшилаб боришга эришишдан иборат. Ушбу мақсадга эришишда қурилиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этиши кўйидаги омиллар билан боғлиқдир:

1. Қабул қилинган қонуний ва меъёрий ҳужжатларнинг бажарилишига эришиш мақсадида қурилиш соҳасидаги тадбиркорларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда қонунларга риоя қилишини таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш.
2. Қурилиш соҳасидаги тадбиркорлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолият эркинликларини амалда кенгайтириш учун суд

идоралари ва уюшмалар, иттифоқлар каби жамоат ташкилотларининг мавқеини ошириш.

3. Қурилиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятига ўринсиз аралашишлар ва текширишлар сонини кескин камайтириш мақсадида уларни юридик жиҳатдан химоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг энг муҳим устувор йўналишларидан биринчиси – бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш бўлса, иккинчиси хусусий тармоқнинг жадал ривожлантиришини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушининг кўпайишини таъминлаш ва учинчи муҳим устувор вазифа – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтиришдан иборатдир. Бундан кўринадики, иқтисодий ислохотларни ҳаётга жорий этишнинг муҳим устувор йўналишларининг барчасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга аҳамият қаратилмоқда.

3.2. Қурилиш тармоғида тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмининг такомиллаштириш

Қурилиш соҳасидаги тадбиркорликни янада ривожлантириш учун унга ҳар томонлама кўмак бериш лозим. Асосий кўмак давлат томонидан берилади. Қурилиш соҳасидаги тадбиркорликни давлат томонидан иқтисодий, ташкилий ва бошқа масалалар бўйича қўллаб-қувватлаш ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Ривожланган мамлакатлардаги ривожланиш даражаси улардаги кичик бизнес ва йирик корхоналарнинг тутган ўрни билан белгиланади. Турли тармоқлар ўртасидаги муносабатларни сақлаб турган ҳолда, иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси аста-секинлик билан йирик корхоналар ривожига қараганда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига ўтиб

бораётганлигини кузатиш мумкин. Ривожланишнинг ҳозирги даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш мумкин. Ушбу йўналишни мамлакатимиз иқтисодиётида кенг миқёсда қўллаш лозим. Давлатнинг моддий, техникавий ва молиявий имкониятларини биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга йўналтириш лозим. Мамлакат иқтисодиётининг ҳозирги вақтдаги ривожи иқтисодиётнинг ушбу сектори ривожи билан белгиланади.

Барча соҳаларда бўлгани каби қурилиш соҳасидаги тадбиркорлик ҳам бир қатор афзалликларга эга. Ушбу афзалликлар туфайли барча ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта эътибор берилмоқда ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга ҳаракат килинмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўз ривожида тўхтаб қолмайди, у ҳамма вақт ривожланишда бўлмоқда, чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланган мамлакатларда ҳамма вақт қўллаб-қувватланмоқда. Кўпчилик ривожланган мамлакатларда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор ташкилотлар мавжуд. Масалан, АҚШ да – кичик бизнес Маъмурияти, Японияда - кичик ва ўрта бизнес бошқармаси, Францияда - кичик бизнес ва ўрта саноат Давлат котибияти, Буюк Британияда - кичик тадбиркорлардаги аҳволни ўрганиш бўйича Қўмита фаолият кўрсатмоқда, ушбу ташкилотлар фаолиятининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборатдир:

1. Кичик бизнес корхоналарига молиявий ёрдам кўрсатиш.
2. Давлат шартнома тизимида уларга маълум даражада ҳисса ажратиш.
3. Корхоналардаги ташкил этиш ва бошқариш ишларида уларга маслаҳат кўрсатиш.

Мамлакатимизда кичик бизнесни янада ривожлантириш мақсадида улар билан молиявий муносабатларни янада такомиллаштиришдан

иборатдир. Тижорат асосида фаолият юритишнинг хусусияти кичик корхоналарнинг маҳаллий бюджетлари ҳамда давлат бюджети воситаларидан фойдаланиш назарда тутилади. Маблағларнинг берилиши қайтар характерга эга бўлиб, бюджет ресурсларидан самарали фойдаланиш назарда тутилади. Шу билан биргаликда фаолият соҳаларини мақсадга мувофиқ кредитлашни назарда тутди.

Ривожланган мамлакатларда бу йўналишдаги фаолият турли кўринишга эгадир. Масалан, Америка Қўшма Штатларида кичик бизнес фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун йўналтириладиган давлат бюджети маблағлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар берувчи тижорат банкларига кафолат ўрнини қоплаш мақсадида амалга оширилади. Японияда мамлакат ҳокимияти ва маҳаллий органлар янги корхоналарни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлашни назарда тутди. Японияда 500 дан ортиқ савдо-саноат палаталари ва уларнинг филиаллари (шоҳобчалари) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига молиявий, ташкилий, маслаҳат ҳамда таълим бўйича ёрдам бермоқдалар.

Японияда кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг молиявий асосини махсус фондлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш махсус фонди, шунингдек молиявий корпорациялар ташкил қилмоқда.


Қурилиш соҳасидаги тадбиркорлик корхоналари, бозор конъюнктурасининг ўзгариши, ҳамкорларни тўлов қобилиятларининг йўқлиги ёки фавқулодда ҳолатлар ва фикрлар натижасида юз берадиган ҳолатларга нисбатан ўта сезгир бўладилар. Шу сабабли, қурилиш соҳасидаги тадбиркорликни суғурталаш тизими фаолияти кўрсатмоқда, юқоридаги ва бошқа табиий ҳолатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини суғурталаш амалга оширилмоқда.

Англияда кичик бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш учун учта ҳукуматга карашли дастур мавжуддир, Жанубий Кореяда эса кичик бизнес

корхоналари учун информацион тармоқларни яратиш ва маълумотлар базасини яратишнинг беш йиллик дастури ишлаб чиқарилган ва амалга оширилмоқда .

Ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётда етакчи ўрин эгалламоқда. Уларнинг кўп йиллик тажрибалари асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг самарали усул ва шакллари танлаш мумкин. Ривожланган мамлакатлар томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий асослари мавжуддир.

Бозор иқтисодиётида ўтиб бораётган давлатлар иқтисодиётининг тезроқ номарказлашувини амалга ошириш ва бозор муносабатларини тезроқ жорий қилиш зарурияти ривожланиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу давлатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга интиладилар.



Манба: муаллиф томонидан тайёрланди.

13 расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб – қувватлашнинг иқтисодий асоси.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий асоси иқтисодий ўсишни таъминлаш ва жадаллаштириш, инвестицияларни жалб қилиш, иш жойларини яратиш,

меҳнат унумдорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини тезлаштириш, унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, солиқлар тўлашни яхшилаш ҳамда мамлакатнинг тўлов балансини яхшилашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳимлиги билан асосланади. (13- расм)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ижтимоий асоси аҳолининг ўз ишлаб чиқаришини яратиши ва ривожлантириши, ўз салоҳиятини амалга ошириш ва бундан моддий ва маънавий раҳбат олиш, ўз фарзандлари учун янги имкониятлар яратиш билан белгиланади. Ушбу иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий асослар давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни янада жадаллаштиришга олиб боради.

Қурилиш соҳасидаги тадбиркорликда фаолият юритиш учун катта маблағ талаб қилинади. Бундан келиб чиқиб, қурилиш соҳасидаги тадбиркорликдаги яна бир муҳим муаммо – бу тадбиркорларда молиявий ресурсларнинг етишмовчилиги ва молиявий ресурсларни жалб этишдаги қийинчиликлардир. Шу сабабли, ҳозирги вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш масаласи жуда долзарб масала сифатида майдонга чиқмоқда.

Америка Қўшма Штатларида 19 миллиондан ортиқ турли даражадаги фирмаларнинг 90 фоизидан ортиғи кичик бизнес фирмаларидир. Ушбу фирмаларга кредитлар бериш ва кафолатланган воситалар беришни 1953 йил Конгресс томонидан ташкил этилган кичик бизнес ишлари бўйича Маъмурият амалга оширади. Ушбу Маъмурият федерал бюджет воситалари ҳисобидан молиялаштирилади. АҚШ да кичик бизнесни субсидиялаш учун ажратиладиган давлат бюджети воситалари унчалик катта эмас. Улар кичик бизнес субъектларига кредит берувчи тижорат банклари кафолатини таъминлаш учун ўрнини қоплаш учун берилади. Бу банklar тадбиркорларга жуда паст даражадаги фоизлар билан кредитлар берадилар. Ушбу имтиёзли кредитлар тадбиркорларга ўз фаолиятини ташкил этиш ва кенгайтириш учун

берилади. Хатто, ишлаб чиқаришни техникавий қайта қуришда ҳам шундай имтиёзли кредитлар берилади. Кичик бизнесга 600 та махсус банклардан иборат махсус тармоқ хизмат қилади.

Европа Иттифоқида эса умумевропа даражасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жихатдан қўллаб-қувватлашда урта дастур амалга оширилади. Улар қуйидагилардир:

1. Тижорат корхоналари Бирлашмаси.
2. Бошланғич капитал.
2. Евротех –капитал.

Тижорат корхоналари Бирлашмаси мамлакатлараро кичик бизнес субъектлари ташкил этишни қўллаб-қувватлайди.

«Бошланғич капитал» кичик бизнес субъектларини ташкил этишни ва уларни бошланғич босқичларида яшаб қолиш учун молиявий имконият яратиш мақсадида ташкил этилган.

«Евротех-капитал» фонди эса юкори даражадаги технологик тараққиётга эришган трансмиллий корпорацияларни молиялаштириш билан шуғулланади.

Буюк Британияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришда хусусий шахсларнинг жамғармаларидан ҳамда банк кредитларидан фойдаланилади. Буюк Британиядаги давлат сиёсати кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредит билан таъминловчи тижорат банклари манфаатдорлигини оширишга йўналтирилган. Давлат бундай банкларни рағбатлантириш билан биргаликда кичик бизнесни молиявий жихатдан таъминлаш бўйича қатор мақсадли дастурларни амалга оширмоқда. бу мамлакатда ташкил этилган «кредитлар кафолатлари» дастури бўйича кўплаб самарали фаолият юритаётган тадбиркорларга суғурта мукофотлари тўланмоқда. Буюк Британияда кичик бизнесни молиялаштиришни амалга ошираётган махсус фирмалар мавжуддир.

Японияда имтиёзли кредитлаш, кредит бўйича кафолатлар суғурта воситаларидан кенг қўламда фойдаланилмоқда. Давлат миллий, ҳудудий ва

маҳаллий даражаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсатини олиб бормоқда. Ушбу сиёсатнинг асосий йўналишлари - қонуний, молиявий-кредит ва солиқ бўйича тадбирлардир. Японияда «Корхоналарга ёрдам беришни таъминлаш дастури» қабул қилинган. Ушбу дастур асосида кичик тадбиркорлик билан шуғулланишни хоҳлаган ишсизларга давлат томонидан молиявий ёрдам кўрсатилади.

Японияда вазирликларнинг йиллик сметаларида хар йили махсус моддада кичик бизнес корхоналари учун молиявий ресурслар ажратилади. Шу билан биргаликда, бу ерда имтиёзли солиққа тортиш йўлга қўйилган. 500 та маҳаллий савдо-саноат палаталари ва уларнинг филиаллари кичик бизнесга турли молиявий ёрдам бермоқда, маҳсулотлар бермоқда ва таълим бўйича кўмаклашилмоқда.

Францияда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта ёрдам бериш йўлга қўйилган, 1996 йил махсус кичик бизнес корхоналарини ривожлантириш банки ташкил этилган. Бу банк кичик бизнес корхоналарига фойсиз ссудалар беради, баъзи ҳолларда эса ўттиз минг франкгача бўлган миқдорда ссудалар ҳам бермоқда. Ўз бизнесини ташкил қилмоқчи бўлган ишсизларга ишсизлик бўйича моддий ёрдамни 6 ойлик миқдоридаги сумма бирданига берилади.

Жанубий Кореяда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 15 ташкилот хизмат кўрсатмоқда. Улар асосан, савдони ривожлантириш, ташқи мамлакатларга чиқиш, ташқи бозорни эгаллаш, техникавий янгиликларни кичик корхоналарга бериш, ҳамда ахборот хизматини яхшилаш кабиларга ёрдам беради.

Мамлакатимизда қурилиш соҳасидаги тадбиркорликни давлат томонидан янада кенгроқ миқёсда қўллаб-қувватлаш йўналишидаги бу каби ишларни олиб борилиши қурилиш ишларининг янада жадаллашувига ва сифатини яхшиланишига олиб келади. Бу соҳада рақобат мухитини ривожлантириб, бозор муносабатларига тезроқ ўтилишини таъминлайди.

Хулоса ва таклифлар

Иқтисодиёт ривожланишига таъсир этувчи омиллар ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш омили асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Қурилиш соҳасидаги тадбиркорлик ҳам бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишига катта таъсир кўрсатмоқда. Шу билан биргаликда қурилиш соҳасидаги тадбиркорликни янада ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Ш у имкониятларни аниқлаш ва улардан оқилона фойдаланиш мақсадида олиб борилган кузатиш ва таҳлиллар натижасида қурилиш соҳасидаги тадбиркорликни янада ривожлантиришнинг бир қатор йўналишларини ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик. Улар қуйидагилардан иборатдир:

1. Мамлакатимиз иқтисодиётини бундай барқарор ривожлантиришни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳам ниҳоятда катта ўрни ва роли мавжуд. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ушбу соҳанинг улуши 2000-йилдан буён 31 фоиздан 56 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда эса 12,9 фоиздан 31,1 фоизга ўсди. 2014 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 480 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Бу мамлакатимизда яратилган жами иш ўринларининг ярми демакдир. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида жами иш билан банд бўлган аҳолининг 76,5 фоизи меҳнат қилмоқда. 2000 йилда бу кўрсаткич 49,7 фоизга тенг бўлган эди. Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, уларга қатор имтиёз ва имкониятлар яратиб берилаётганлиги иқтисодиётнинг юксалишига ва ҳамда аҳоли турмуш даражасининг янада фаровонлашишига ябаб бўлиб, 2014 йил якуний ҳисоботларига кўра уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 79,7 фоизни ташкил этди. Қурилиш соҳасидаги тадбиркорлик ҳам ривожланиб бормоқда. Унинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши ортиб

бормоқда. Айниқса 2014 йили 2013 йилга нисбатан жадал ўсди ва 7.7 фоизга етди.

2. Қурилиш соҳасидаги тадбиркорликни ривожлантириш масалаларини самарали равишда ҳал қилиш учун улар фаолиятини бошқариш, унинг таркибий тузилиши ва ривожланишини таҳлил қилиш ҳамда баҳолашда илмий асосда тизимли ёндошув ва фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу йўналишдаги белгиланган бу каби вазифаларни амалга ошириш қурилиш тармоғида тадбиркорликни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини чуқур ўрганишни ва такомиллаштиришни талаб қилади.

3. Тадбиркорлик фаолиятини, айниқса қурилиш соҳасидаги тадбиркорликни мамлакатимизда ривожлантириш учун Ғарб мамлакатларида қурилиш соҳасидаги тадбиркорликнинг ривожланишини олимлар ва тадқиқотчилар томонидан кенг миқёсда ўрганиш зарурдир. Бундай тадқиқотларда тадбиркорларнинг тажрибаси, уларнинг энг кучлиларига хос бўлган хислатлар кўриб чиқилади ва улар асосида қандайдир умумий белгилар аниқлаштирилади.

4. Қурилиш соҳасидаги тадбиркорликда улар оладиган фойдани кўпайтириш ва рентабелликни ўстиришнинг қуйидаги йўлларида самарали фойдаланиш лозим:

- баҳони шакллантириш механизми ва фойдани шакллантиришни такомиллаштириш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш;
- ишлаб чиқариш фондларидан, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш;
- ишлаб чиқаришнинг узвийлигини таъминлаш;
- қурилиш муддатларини қисқартириш ва амалда объектларни ишга туширишни тезлаштириш;

- қурилиш-монтаж ишлари таннархини пасайтириш ва уларни сифатини яхшилаш.

5. Қурилиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида инновацион фаолиятни кенг миқёсда қўллаш талаб этилади. Янги технологияларга йўл топиш замонавий рақобат муҳитида муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Янги технологиялар ва илмий-техник лойиҳалаш қийматининг юқорилиги сабабли қурилиш соҳасидаги кичик бизнес субъектларини катта қисми фақат тор доирадаги технологиялардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиб қолмоқдалар. Улар рақобатбардош бўлган қурилиш объектларини яратиш учун бу жабҳада ўз устунликларини сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқдалар. Биз таклиф қилмоқчи бўлган йўналиш эса, қурилиш соҳасидаги тадбиркорлардан ўзларининг инновацион фаолиятларини янада жадаллаштиришни, янгиликларни яратишга тинимсиз ҳаракат қилишни ва ишлаб чиқилган янгиликларни, инновацияларни тижоратлаштириш оҳасида ҳам фаолият олиб боришни ва бундан қўшимча фойда олишга ҳаракат қилишни назарда тутати. Албатта, янги инновацион ғоялар биринчи бўлиб тадбиркорлик субъектининг ўзида синаб кўрилади ва маълум давр ундан фойдаланилади. Бу йўналишдаги фаолият узлуксиз давом эттирилади. Инновацион фаолият қурилиш соҳасининг барча жабҳаларини қамраб олиши лозим. Қурилишда материаллардан фойдаланиш, қурилиш технологиясини самарали амалга ошириш, қурилишни ташкил қилишнинг янги усул ва воситаларини топиш, бошқарув соҳасининг самарадорлигини ошириш ва бошқа соҳаларда инновацион фаолият олиб борилиши лозим. Қурилиш соҳасидаги тадбиркорлар томонидан инновацион фаолиятни қўлланилиши улар фаолиятига катта миқдорда самарадорликка эга бўлиш имкониятини беради.

6. Қурилиш соҳасида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларини янги хил қурилиш материалларидан фойдаланиш билан биргаликда қурилишнинг янги турларини топишга, янги, замонавий қурилиш

субъектларини барпо этишга, ҳамма учун қулай ва самарали бўлган қурилиш объектларини барпо этишга ҳаракат қилишлари лозим. Қурилиш соҳасидаги тадбиркорлар бу йўналишни оқилона тарзда қўллашлари ва мавжуд имкониятни тез пайқаб олишлари ҳамда ундан оқилона фойдаланишлари талаб этилади.

7. Қурилиш фаолиятида кўплаб материаллардан фойдаланилади. Қурилиш соҳасида янги материалларни ўзлаштиришдаги капитал харажатларни ва таваккалчилик даражасини пасайтиришга ҳаракат қилиш лозим. Қурилиш соҳасидаги тадбиркорлар ўз фаолиятларида янги қурилиш материалларини қўллашда таваккалчилик даражасини камайтиришга ва бу жараёнга кетадиган капитал харажатларни пасайтиришга ҳаракат қилишлари лозим. Ҳар бир яратилаётган янгилик камроқ капитал маблағларни талаб этишига ҳаракат қилиниши ва бу фаолиятда таваккалчилик даражасини мунтазам баҳолаб борилиши керак бўлади.

8. Қурилиш соҳасида тадбиркорликни келажақдаги янада юқорироқ суръатлардаги ривожланишини таъминлаш мақсадида бу соҳага хорижий инвестицияларни киритиш суръатини янада оширишга эришиш зарур. Бугунги кунда қурилиш соҳасига кўплаб инвестициялар киритилмоқда. Бу жараёни янада ривожлантириш лозим. Қурилиш соҳасига киритилаётган хорижий инвестициялар янги, замонавий техника, технология кўринишида бўлишига ҳаракат қилиш керак.

9. Мамлакатимизда қурилиш соҳасидаги тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида улар билан молиявий муносабатларни янада такомиллаштиришдан иборатдир. Тижорат асосида фаолият юритишнинг хусусияти кичик корхоналарнинг маҳаллий бюджетлари ҳамда давлат бюджети воситаларидан фойдаланиш назарда тутилади. Маблағларнинг берилиши қайтар характерга эга бўлиб, бюджет ресурсларидан самарали фойдаланиш назарда тутилади. Шу билан биргаликда фаолият соҳаларини мақсадга мувофиқ кредитлашни назарда тутлади.

10. Қурилиш соҳасидаги тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини янада такомиллаштириш, унинг иқтисодий асосларига кенгроқ аҳамият қаратиш лозим. Қурилиш соҳасидаги тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий асоси иқтисодий ўсишни таъминлаш ва жадаллаштириш, инвестицияларни жалб қилиш, иш жойларини яратиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини тезлаштириш, унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, солиқлар тўлашни яхшилаш ҳамда мамлакатнинг тўлов балансини яхшилашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳимлиги билан асосланади.

Қурилиш соҳасидаги тадбиркорликни ривожлантиришнинг ушбу йўналишлари ушбу соҳани янада ривожлантиришга ва фойдаланилмаётган имкониятлардан кенг миқёсда фойдаланишга имкон беради. Бунинг натижасида эса янги иш ўринлари яратилади, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг янада юқорироқ суръатлар билан ортишига имкон яратилади, мамлакатимиз иқтисодиёти ва фуқаролари учун замонавий ишлаб чиқариш ва турар жой бинолари қад ростлайди. Аҳолининг турмуш даражаси юксалиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлари Маҳкамаси қарорлари, Президент фармонлари ва асарлари.

1. «Хусусий корхоналар тўғрисида» 2003 йил 11 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2012 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2012 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такоминлаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 16 июн сони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. «Халқ сўзи» газетаси 2005 йил 25 июнь сони.
6. Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир.” “Халқ сўзи” газетаси 2015 йил 18 январь.
7. И.А.Каримов. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2013 йил
8. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995 йил.

9. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш“ Халқ сўзи” 2013 йил 19 январь
10. Каримов И.А. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз” Т.: Ўзбекистон, 2000.

II. Махсус адабиётлар.

1. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари Т.: Меҳнат, 2000
2. Абатуров В., Пугач Г. И др. Малый и средний бизнес в Узбекистане: современное состояние, проблемы и перспективы.
3. Абалкин Л. Экономические реалии и абстрактные схемы. Ж.Вопросы экономики, 1996 г №2.
4. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик асослари. Тошкент, 2001 йил.
5. Ходиев Б.Ю ва б.қ.лар. Кичик бизнесни бошқариш Тошкент., Ўқитувчи, 2008 й.
6. Менежмент ва бизнес асослари. Дарслик (Академик С.С.Ғуломов таҳрири остида) Тошкент, Меҳнат 1997 й.
7. Тадбиркорларнинг энциклопедик луғати. Тузувчи С. М. Синельников ва бошқалар , СПБ «Алга-Фонд», «Аякс», 2009
8. Саноат ишлаб чиқариш иқтисоди ва уни ташкил қилиш. Тошкент, 2009 й.
9. Иқтисодий энциклопедия. Тошкент 1995 й.
- 10.Шумпетер И. Теория экономического развития исследования предпринимательского прибу́ли, капитала, кредита процента и цикла конъюнктуры. Москва, Прогресс, 1982 г.
- 11.Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. Перевод с английского, Москва, Прогресс, 1990 г.

- 12.Графова Г.Ф., Гуськов С.В. Экономическая оценка инвестиций: Учебное пособие. Учебное пособие. – М.: «Дашков и К°», 2008. – 183 стр.
- 13.13. Степанова И.С. Экономика строительства. Учебник / под общей ред. – 3-е изд., доп. и перераб. Учебное пособие. - М.: Юрайт-Издат, 2008. – 620 стр.
- 14.Худайбердиев З.Я. Развитие системы подготовки кадров для сферы предпринимательства. Ташкент, 2002 г.
- 15.Ўлмасов А., Шарифхужаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Тошкент, Меҳнат, 1995 й.

III. Статистик тўпламлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари.
2. Наманган вилояти Давлат Статистика бошқармаси маълумотлари.

IV. Илмий – оммабоп нашрлар.

3. Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси 2012-2015 йиллар сонлари.

V. Интернет маълумотлари.

4. www.5balov.ru.
5. www.piter.com.
6. www.ziyo.edu.uz.
7. www.referat.ru.
8. <http://www./rambler.ru/>.

